

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

ББК:

Жантаев Мақсуд Ибрагимович

**“XVIII асрда Ўрта ва Кичик Жуз ижтимоий-сиёсий тарихи” (Аблайхон
фаолияти мисолида)**

5A220204-Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар
методлари мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: т.ф.н.доц. Р.Р.Алимова

ТОШКЕНТ - 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-9
I БОБ Қозоқ Жузларининг пайдо бўлиши ва Аблайхон фаолияти	
I.1. Қозоқ халқининг шаклланиш жараёни ва қозоқ Жузларининг вужудга келиши.....	10-16
I.2. Аблайхон фаолияти ва унинг даврида қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволи.....	16-24
II БОБ XVIII асрда Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволи	
II.1. XVII аср охири ва XVIII асрда қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволи.....	25-31
II.2. Жунғор хонлигининг қозоқ жузларига тазйиқи ва қозоқ-жунғор урушлари.....	31-37
II.3 Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг Қўқон, Хива ва Бухоро хонликлари билан ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлари.....	37-44
III БОБ Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг тугатилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти	
III.1. Қозоқ-рус муносабатлари ва қозоқ Жузларининг Россия таркибига киритилиши.....	45-54
III.2 Қозоқ Жузларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти...	55-63
ХУЛОСА	64-68
Фойдаланилган адабийотлар рўйхати	69-71

КИРИШ

Тадқиқот мавзунинг долзарблиги: Тарих фани ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг таҳлилчиси сифатида жамият тараққиётининг муҳим тармоқларини ибрат тарозусида ўлчаб беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданок тарихни ўрганиш борасида муҳим қадамлар қўйилди. 1998 йил 26 июнда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар ва ижодкор зиёлилар вакиллари билан ўтказган учрашувидан кейин, тарихни ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди. Ушбу учрашувда давлат раҳбари ҳаққоний тарихни қайта тиклаш борасидаги энг долзарб масалаларни кўрсатиб берди. Ҳеч қайси бир халқ ўтмишни ўрганмай, ўзининг замон ва макондаги ўрнини аниқ белгилаб олмасдан насл-насабини, кимлигини билмасдан туриб ривожланиши мумкин эмаслигини айтиб ”Тарихий хотирасиз келажак йўқ” дея таъкидлаган эди.¹ Тарихдан бизга маълумки “Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир”². Бир сўз билан айтганда, “Кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти адабийдир”³ деб таъкидлаган эди муҳтарам юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг нутқларидан бирида.

Қозоқларнинг XVII аср охири ва XVIII асрлардаги тарихи ҳақиқатда ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Қозоғистонда тарих фани вужудга келган дастлабки йиллардаёқ тадқиқотларнинг манбашунослик баъзаси ҳақидаги рус архивларининг ҳужжатларини шарқ – хрониклари асарларини, Ғарбий Европа саёҳатларининг материалларини аниқлаш ва илмий таомилга киритиш масаласи кескин бўлиб турган. Қозоқ хонликлари мавзусини кўриб

¹ .Каримов.И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.//Биз келажакдаги ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7-Тошкент. Ўзбекистон. 1999. -Б199.

2..Каримов.И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ . – Тошкент: Ўзбекистон. 1999. – Б. 144.

чиқишдан олдин ўзимизга бир савол бериб кўрайлик. Хўш қозоқ халқи тарихини ўрганишимиз биз учун зарурми?

Қозоқ хонлиги ва халқи тарихининг биз учун қандай аҳамиятли томони бор. Аввало, биз Марказий Осиё тарихини ўрганар эканмиз, қозоқ халқлари ҳам Марказий Осиёда жойлашган, давлатлар сирасига киради. Гарчи собиқ ССР даврида Қозоғистон ва Ўрта Осиё деб ажратиб айтилган бўлсада, президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан Ўрта Осиё термини Марказий Осиё термини билан алмаштирилди ва унинг марказий қисмларидаги қардош давлатлар сифатида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон республикалари эътироф этилди.

“Биз халқнинг номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг – томиригача назар ташлаймиз.”⁴ Шундай экан, қардош қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа халқларининг тарихини билишимиз биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳеч кимга сир эмаски, бу халқлар бир-бирига биродар сифатида миллат ажратмасдан ягона ислон дини остида бирлашиб яшаганлар. Шу ўринда президентимиз И.А.Каримовнинг “Қозоқ биродарларим биз ўзбеклар ва қозоқлар бир-биримиздан сира ажралмаймиз” деган сўзлари кўз олдимизга келади. Қолаверса тарихчи сифатида қозоқ халқлари ва ўзбек халқлари орасидаги ўхшашлик монандлик ва фарқли томонлари нимада эканлиги ва улар ўртасидаги муносабатларнинг қай даражада йўлга қўйилганлигини чуқурроқ билишимиз, ҳам билишимизни, ҳам тарихий дунёқарашимизни янада кенгайтиради. Шунингдек қўшни бўлган бу халқлар ўртасида ҳар қандай шароитда ҳам узлуксиз давом этган қўшничилик ва бошқа муносабатлари, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг тараққиётига кучли таъсир кўрсатган. Бунинг натижасида қозоқ халқининг айрим урф-одатлари ва анъаналари ўзбек халқи маданияти билан уйғунлашиб, бир-бири билан боғланиб кетган. Уларнинг тарихини алоҳида ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди.

⁴ Каримов.И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент. Ўзбекистон. 1996.-Б. 42.

Тадқиқотнинг манбашунослиги: Марказий Осиё ва қозоқларнинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрнини манбаларсиз ўрганиб бўлмайди. Айнан шу манбаларда қозоқларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти ҳақида қисқа бўлсада маълумотлар мавжуд.

Мақсад, бугунги кунда мавжуд бўлган баъзи манбалар орқали қозоқларнинг ҳаққоний тарихини, уларнинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрнини мафкуралардан ҳоли, объектив тарзда ёритиб беришдан иборат. Ушбу манбалардан Ч.Ч.Валихоновнинг 5-жилдлик Асарлар тўплами, А.И.Левшиннинг “Описание киргиз-казахских, или киргиз-кайсацских орд и степей”, асарлари муҳим манба ҳисобланади.

Тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси: Шу нарса бизга маълумки, бирор халқ ўз тарихини чуқур ўрганмасдан туриб ривожлана олмайди. Ота-боболарнинг тарихий ўтмишини қайта тиклаш тарих фанининг вазифасидир. Машҳур археолог ва этнограф Г.И.Спасский⁵ XIX асрнинг бошларидаги қозоқ жамияти ижтимоий-сиёсий тузилишини таҳлил қилиб, хусусан бундай деб ёзган эди: “Хонлар ва султонлар тарихи, қирғиз-қайсок халқининг тарихи қаби, биз учун жуда муҳим ва ибратли бўлиши мумкин.” XVIII асрнинг учинчи чораги - XIX асрнинг бошларидан бошлаб қозоқлар ҳақида Г.И.Спасский, А.И.Левшин,⁶ С.Б.Броневский, Н.Я.Бичурин,⁷ В.В.Бартольд⁸ лар бир мунча тарихий маълумотлар ёзиб қолдирди. Рус сайёҳи Ф.Назаров қозоқлар тарихини батафсил ўрганган. Ч.Ч.Валиханов⁹, А.А.Диваев¹⁰ сингари этнограф тарихчилар ҳам ўз асарларида бир қанча маълумотларни бериб ўтган. XIX асрдаги қозоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисида М.Красовскийнинг¹¹ иши алоҳида диққатга сазовордир. Унинг асарида

⁵ Спасский.Г.И. Киргиз-кайсаки Большой, Малой и Средней Арды. “Сибирский вестник”, СПб, 1820

⁶ Левшин А.И. Описание киргиз-казахских или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч. III. СПб 1832

⁷ Бичурин.Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том 2. - М.Л.,1950.

⁸ Бартольд В.В. История турецко-монгольских народов. Т. 1928.

⁹ Валиханов.Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Алма-Ата. 1985.

¹⁰ Диваев.А.А. Древние игры киргизской молодёжи. “Туркестанские ведомости”, 1907.

¹¹ Красовский М. Область сибирских киргизов. СПб., 1868.

этнографик ва статистик материаллар асосида қозоқларнинг хўжалиги батафсил ёритилган.

XX асрнинг 90–йиллари ва XXI асрнинг биринчи ўн йилларида чоп қилинган илмий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларида, жумладан С.Асфандиёров¹², М.Танишбаев¹³, Ж.О.Артыкбаев¹⁴, М.Х.Абусеитова¹⁵, М.Ж.Абдиров¹⁶, А.Кузенбайулы и Е.Абыль¹⁷, Г.Кан¹⁸ларнинг китобларида ҳам қозоқ Жузлари ва қозоқ халқининг тарихи ҳақида бир қанча маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Ушбу малакавий ишни ёзишдан мақсад мавжуд манбалар ва тадқиқот ишларидаги маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш асосида қозоқ хони Аблайхон (1771-1780) фаолияти ҳамда Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг XVIII асрдаги ижтимоий–сиёсий ҳаётини ёритиб беришдан иборат. Ҳурматли юртбошимиз ИА.Каримов айтиб ўтганларидек, ҳақиқатда ўзбек ва қозоқ халқлари қадим-қадимдан бир-бирига қондош, бир-бирига биродар сифатида миллат ажратмасдан ягона ислом дини остида бирлашиб яшаганликлари ҳеч кимга сир эмас. Бизнинг бугунги вазифамиз тарих синовидан ўтган шу қардошлик ришталарини янада такомиллаштириш, унга янгича моҳият бағишлашдан иборатдир. Қозоғистон билан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг икки улуғ давлатидир¹⁹. Қолаверса тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад ҳам, қозоқ ва ўзбек халқи тарихи ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли томонлари нимада эканлиги ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай бўлганлигини чуқурроқ билишимиз тарихий дунёқарашимизни кенгайтиришга хизмат қилишига эришишдан иборат. Қозоқ биродарларимизнинг XVIII асрдаги ижтимоий-иқтисодий ва

¹² Асфандияров.С. История Казакстана. Алмата. 1993.

¹³ М.Танышпаев. История казахского народа. Алма-Ата. 1993.

¹⁴ Ж.О.Артыкбаев. История Казахстана. Учебник для студентов. Издание второе, дополненное. Костанай. 2007.

¹⁵ Абусеитова М.Х. Казахстан и Центральная Азия в XV-XVII вв. История, политика, дипломатия. Алматы, 1998.

¹⁶ Абдиров М.Ж. история казачества в Казахстане. Алматы, 1994.

¹⁷ Кузембайулы А., Абыль Е. История Казахстана (учебник для вузов). Санкт-Петербург, 2004.

¹⁸ Г.Кан. История Казахстана. Учебник для вузов. Алматикитап. 2007.

¹⁹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.Т.: 1998. –Б. 172.

сиёсий тарихини ўрганишимиз бугунги кунда биз билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлган қардош Қозоқ халқи тўғрисида ҳаққоний фикр юритишимизга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

Биринчидан: қозоқ халқининг шаклланиш жараёни ва Қозоқ Жузларининг вужудга келиши жараёнини очиб бериш;

Иккинчидан: Аблайхоннинг фаолияти ва унинг даврда Қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

Учинчидан: XVII аср охири ва XVIII асрда қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволини таҳлил қилиш ва кенгроқ очиб бериш;

Тўртинчидан: жунғор хонлигининг қозоқ Жузларига тазйиқи ва қозоқ-Жунғор урушлари ҳақида кенгроқ маълумотлар бериб, таҳлил қилиш;

Бешинчидан: Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг Қўқон, Хива ва Бухоро хонликлари билан муносабатлари қанақа бўлганлиги ҳамда улар ўртасидаги алоқалар қайси соҳаларда олиб борилганлиги хусусида тўхталиб, шу муносабатларни таҳлил қилиш;

Олтинчидан: қозоқ-рус муносабатлари ва қозоқ Жузларининг Россия таркибига киритилиши жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш ва ёритиб бериш;

Еттинчидан: қозоқ Жузларининг ижтимоий – иқтисодий ҳаётини кенгроқ ўрганиш вазифалари қўйилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бугунги кунгача қозоқлар тарихи тўғрисида ўзбек тилида кам иш олиб борилган. Тадқиқот ишининг янгилиги шундан иборатки, ўзбек тилида нафақат қозоқлар тарихи, балки, XVII-XVIII асрларда Марказий Осиё минтақасида юз бераётган сиёсий, маъмурий-худудий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳақида батафсил ёритишга ҳаракат қилинди. Ушбу магистрлик диссертациясининг самараси ўлароқ ўзимиз ҳам қозоқлар тарихи ҳақида янгидан-янги маълумотларга эга бўлдик.

Муҳтарам президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Қозоқ ва ўзбек халқлари тарихнинг барча давларида бирга бўлган, ёнма-ён қадам ташлаб, турмушнинг бор шодлигу-ғамини бирга баҳам кўрган”. Асрлар

ўтгач, ижтимоий тизимлар ўзгарган, бутун-бутун салтанатлар вужудга келган ва емирилиб кетган, ҳукмдорлар ўзгарган, бироқ, қозоқ билан ўзбекнинг қондошлиги, қардошлиги ва дўстлиги барқарорлигича қолган²⁰.

Тадқиқотнинг назарий - услубий асослари: Магистрлик диссертациясининг назарий ва услубий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва мустақиллик йилларида шаклланган тарих фанига бўлган янгича қарашлари билан белгиланади. Юртбошимиз И.А. Каримовнинг “Тарихга мурожат қилар эканмиз, у халқ хотираси эканлигини назарда тутамиз. Хотирасиз баркамол киши бўлмагандек, тарихни билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”²¹, - деган сўзларини методологик асос қилиб олдик.

Тадқиқот ишнинг амалий аҳамияти: Магистрлик диссертациясининг ўзбек тилида ёзилганлиги, Қозоқ хонликлари ва халқининг тарихини ўрганувчи ўқувчилар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот ишидан ўқитувчилар дарс бериш жараёнларида фойдаланиши мумкин. Талабалар эса мазкур илмий иш орқали Қозоғистон халқи тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганиб ўзлари учун керакли маълумотларни олишлари мумкин. Шунингдек, аниқланган материаллар Қозоқ халқининг XVIII асрдаги тарихи, уларнинг Марказий Осиёнинг бошқа халқлари билан олиб борган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва дипломатик алоқаларига оид маълумотларга ҳам эга бўлишига ёрдам беради деган умиддаман.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши кириш, III боб, VII параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Биринчи бобда Қозоқ Жузларининг келиб чиқиши ва Аблайхон фаолиятига доир маълумотлар берилган.

Биринчи бобнинг биринчи қисмида Қозоқ халқининг шаклланиш жараёни ва Қозоқ Жузларининг вужудга келиши жараёни ёритилган.

²⁰ Каримов И.А. Юсак маънавият- енгилмас куч.-Тошкент.Маънавият.2008.-Б.45.

²¹ Каримов.И.А.”Ватан равнақи учун барчамиз масъулмиз”.Т9.Тошкент.2001.-Б.13.

Иккинчи қисмида Аблайхоннинг фаолияти ва унинг даврда қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволини таҳлил қилиш ва ўрганиш масалалари ёритилган.

Иккинчи боб XVIII асрда Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволи деб номланади. Бу бобнинг биринчи қисмида XVII аср охири ва XVIII асрда Қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволи ва Қозоқ – Жунғор муносабатларини таҳлил қилиш ва кенгроқ очиқ бериш масаласи кўзда тутилган. Иккинчи қисмида жунғор хонлигининг қозоқ Жузларига тазийқи ва қозоқ-жунғор урушлари ҳақида кенгроқ маълумотлар бериб, таҳлил қилинади.

Учинчи қисмида Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг Қўқон, Хива ва Бухоро хонликлари билан муносабатлари қанақа бўлганлиги ҳамда, улар ўртасидаги алоқалар қайси соҳаларда олиб борилганлиги хусусида тўхталиб, шу муносабатлар таҳлили кўзда тутилган.

Учинчи боб Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг тугатилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти деб номланади. Бу бобнинг биринчи қисмида қозоқ-рус муносабатлари ва қозоқ Жузларининг Россия таркибига киритилиши жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилиш масаласига тўхталиб ўтилган.

Иккинчи қисмида эса қозоқ Жузларининг ижтимоий – иқтисодий ҳаётини кенгроқ ўрганиш вазифалари қўйилган.

I Боб. Қозоқ Жузларининг пайдо бўлиши ва Аблайхон фаолияти.

1. Қозоқ халқининг шаклланиш жараёни ва қозоқ Жузларининг вужудга келиши.

Қадим замонлардан буён Марказий Осиёда ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва бошқа халқларнинг аجدодлари бир-бирлари билан ёнма-ён истиқомат қилиб келган. Минтақадаги йирик туб халқлардан бири қозоқлар ҳисобланади. 1920-йиллар ўрталаригача рус тадқиқотчилари уларни нотўғри қирғиз–қайсоқ деб атаб келишган. Милоддан аввалги III-I минг йилликларда Қозоғистон аҳолисини ижтимоий, маданий, лингвистик ва антропологик жиҳатдан тадқиқ қилиш натижасида уларнинг ҳинд-европа оиласининг қадимги Эрон тармоғига кирганлиги аниқланган.²²

Бронза даврида Ғарбий Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда андронов маданияти кенг тарқалган бўлиб, у номадизмнинг асоси ҳисобланган.

Бу ҳудудларда милоддан аввалги биринчи минг йиллик - илк темир даврида сак ва скифлар, сарматлар, усунлар, аланлар ва уларнинг қабиладошлари яшаган. Бу маданий тарихий жамиятнинг ворислари илк темир асридаги Евроосиёнинг чўл номадлари эди.

Қозоғистонда бу қабила иттифоқи ҳинд – европа жамоасининг этномаданий ривожланишига муҳим таъсир кўрсатган. Археология, этнография, этнология, топонимика, этнография, полиография соҳаларида олиб борилган изланишлар шундан далолат берадики, бронза ва илк темир асрида маданий урф-одатлар ва этно-лингвистик яқинлик асосида қозоқ қабилалари ва қабила иттифоқлари, шунингдек қозоқ халқи аجدодлари вужудга кела бошлаган.

Эрамининг I мингйиллик бошига келиб, Евроосиёнинг катта қисмида, жумладан, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг этногенетик тараққиётида янги давр бошланган. Оқибатда прототурк этномаданий ва тил умумийлигига ўтила бошланди.

²² .Асфандияров С. История Казакстана (с древнейших времен). Алма-ата. 1993. -Б. 17 .

Бу даврда шарқдан-ғарбга жуда кўплаб туркий қабилаларнинг кўчиши бошланди. Қозоқ халқи этногенезида Турк ҳоконлиги муҳим роль ўйнаган. VI-VII асрларда мазкур ҳудудда бу ҳоконликка кирган турғаш, қорлуқ каби қабилалар пайдо бўлган.²³

Кейинги уч-тўрт асрлар мобайнида эса кимақ, қипчоқ ва ўғузлар кириб келади. Туркий тилда сўзлашувчи қорлуқ, чигил, турғаш ва бошқа қабилалар жойлашади. Таниқли қозоқ этнографи М.С.Муқанов²⁴ ўз асарида қайд қилиб ўтганидек, ҳар қандай халқнинг этногенези мураккаб ва узоқ давом этади, бунинг натижасида муайян ҳудудда умумий тилга, этник онг шуурга ва ўз номига, умумий моддий маданиятга эга бўлган кишиларнинг барқарор бирлиги қарор топади. Академик С.П.Толстов²⁵нинг адолатли таъкидлаб ўтишича, Марказий Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихи муаммоси фақат археологлар, тарихчилар, антропологларнинг биргаликда куч ғайрат сарфлаши билангина ҳал қилиниши мумкин эмас, чунки минтақадаги бу халқлар тарихи бир-бирига қоришиб кетган. Қозоқларнинг келиб чиқиши тарихи қадимийлиги, уларнинг ўзига ҳос маданияти, буларнинг ҳаммаси гуманитар фанлар соҳасидаги ва шу жумладан, этнография соҳасидаги қозоқшуносларнинг мазкур муаммоларига бўлган қизиқишини оширади.

Энг йирик шарқшунослардан бири академик В.В.Бартольд қозоқларни Марказий Осиёнинг энг қадимги халқлари қаторига киритади.²⁶ Чунки ҳақиқатдан ҳам бундан икки минг йил олдинги ёзма манбаларда ҳозирги қозоқ халқининг узоқ аجدодларига таълуқли бўлган, уларга бевосита алоқадор бўлган ҳудудлари ва этник умумийлиги билан бир-бирига яқин келадиган этнонимлар ва топонимлар учраган.

X-XII асрларда қозоқ эли Қорахонийлар давлатига қўшилган пайтда ҳудудга киданлар ҳам бостириб кирган. IX-X асрларда ҳозирги Қозоғистон

²³ Кан Г. История Казахстана. Учебник для вузов. Алматикитаб. 2007 –Б. 19.

²⁴ Муқанов М.С. Этническая территория казаков в XVII-XIX в. Алма-ата. 1991 - Б. 13.

²⁵ Толстов.С.П. Основанные проблемы этногенеза народов Средней Азии – “СЭ”. - М. 1947.

²⁶ Бартольд В.В. Киргизы. Исторический очерк. Москва. 1963. –Б. 36.

ерларида ўғуз, печенег (бижанак), қипчоқ, кимак ва бошқа қабилалар жойлашади. XI-XII асрларда бу ҳудудда яшайдиган барча қабилалар қабилаларнинг бирикишига анча туртки бўлган.

XIII асрда қозоқ халқининг этник консолидациясига мўғуллар босқини тўсқинлик қилди. Шундан сўнг Қозоғистон ҳудудларига янги этник компонент мўғул қабила ва уруғлари: манғитлар, барлослар ва бошқалар қўшилди ва улар турклар билан аста-секин ассимиляцияга учрай бошлади.

Олимларнинг фикрига кўра, бу атамалар мўғил-татар босқинигача мавжуд бўлмаган. Шу боис бу масаланинг ечимини топиш учун қозоқ халқининг мўғил босқинидан кейинги даврига назар ташлаши лозим.

Масалан, Чингизхон вафотидан сўнг ташкил топган Чиғатой уруғининг Или дарёси бўйида жойлашган Катта қароргоҳи Улуғ Иф (Катта Ўрда) деб аталган.²⁷ Бу қароргоҳ бошқа Чиғатой қароргоҳлари ичида бош қароргоҳ бўлгани учун шундай аталган. Уларнинг қолган қароргоҳлари Кичик, Ўрта деб аталганми йўқми, номаълум. Волга бўйидаги Олтин Ўрда хонларининг қароргоҳи ҳам кейинчалик Катта Ўрда деб аталган. Бу ҳолатда ҳам бош қароргоҳ шундай аталган, бошқа қароргоҳларнинг катта-кичикликларига қараб номланганлиги аниқ эмас.

XVI асрнинг 50-йилларида Волгадан то Иртишгача бўлган ерларда чорвачилик билан шуғулланган Ноғай ўрдаси парчаланиб кетди.

Қозоқ халқининг шаклланишида охириги компонент XIV аср охирларида Олтин Ўрдадаги кичик кўчманчи қабилаларга бориб тақалади. Ноғай улуси, Сибирь хонлиги, Еттисувда яшаётган уруғ қабилалар келади. Шундай қилиб қозоқ халқининг шаклланиши ниҳоясига етади.

XV-XVI асрларда Қозоғистон ҳудудида қабила иттифоқлари ҳисобланмиш Жузларнинг пайдо бўлиши характерлидир. Бу эса шу даврда қозоқ Жузлари ташкил топган деган фикрни билдирмайди. Қозоқ Жузлари ҳам, ҳудди қозоқ халқи каби узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Қозоқ

²⁷ Акишев А.К., Асылбеков М.Х., Байпанов К.М., Касымбаев Ж.К., Казыбаев М.К. История Казакстана с древнейших времен до наших дней. (Очерк). Алматы. 2006. -С. 65.

Жузлари ҳақида гапиришдан олдин, бу яъни Катта, Ўрта, Кичик Жуз атамаларининг келиб чиқиши ҳақидаги фаразларга тўхталсак. Бу атамаларнинг қачон ва қандай вужудга келганини аниқлаш учун тадқиқотчилар олдида қуйидаги саволларга жавоб топиш зарур бўлади.

- Биринчидан, нега улар Катта, Ўрта, Кичик номларни олган, улар қандай мантиққа асосланиб қўйилган.

- Иккинчидан, бу номлар қачон пайдо бўлган.

Унинг ўрнига Катта Нўғай, Кичик Нўғай, Олтиулли Нўғай номли ўрдалар пайдо бўлди. Булардан ташқари бошқа ўрдалар ҳам бўлган. Лекин ҳаммаси (Катта Нўғай)²⁸ га нисбаттан тобе бўлган.

Шундай қилиб, турк – мўғил бирлашмалар таркибида фақат биргина Катта (Улуғ) Ўрда бўлиши мумкин бўлиб, қолган ўрдалар унинг атрофида бўлишган. Бундан ташқари агар икки Ўрда бўлса Катта ва Кичик Ўрдаларнинг аталиши улардаги аҳоли сонига қараб эмас, асосан, мазкур Ўрдаларнинг қайси бири каттароқ авлод вакилига тегишли эканлиги қараб аталган. Шунинг учун ҳам Катта Ўрда ва Кичик Ўрдаларнинг номланишини шу асосда хулоса қилган ҳолда қабул қилиш мумкин. Қозоқларда эса қачонлардир Туқатемурийларнинг Йуз (Жуз) Ўрда бўлган ягона қароргоҳи уларнинг авлодлари учга бўлиниб кетиши натижасида Катта, Ўрта ва Кичик Жузларга бўлинган бўлиши мумкин. Қозоқлар этносида уч Жуз ҳақидаги маълумотлар анчадан буён мавжуд. Бу ҳақдаги маълумотлар Ҳақназар, Тауке ва бошқа хонлар ҳақидаги нақлларда учрайди.

Манбаларда “уч Жуз” иборасининг биринчи марта ишлатилиш санасини шу пайтгача 1731 йил деб келинар эди. Айрим тадқиқотчилар эса 1616 йилни эътироф қилмоқда. Энди “уч Жуз” сўзининг келиб чиқиши ҳам муаммолигача қолмоқда. Бу сон уларда аҳоли сонини, қўшин сонини, ёки уруғ сони белгилаганми, ёки йўқми, бу ҳақда манбаларда маълумот учрамайди. Рус тадқиқотчиси А.П.Чулошниковнинг фикрича, Урта Жузнинг таркиб топиши 1580 йил ўлдирилган Ҳақназархон замонида вужудга келган,

²⁸Тулепбаев Б.А. Казахстан, Средняя и Центральная Азия XVI-XVIII вв. Алматы. 1983.-С. 142 .

лекин манбаларда биринчи марта 1616 йил²⁹ қайд этилган. Рус олими В.В.Бартольд бу уларнинг хўжалик-иқтисодий жиҳатдан бирикиб турли ҳудудларда жойлашувига боғлиқ бўлган деб таъкидлайди. Юқорида баён қилинган фактларга суяниб қуйидаги хулосага келиш мумкин.

- Биринчидан, қадим замонларда ҳам, ўрта асрларда ҳам Евроосиё чўлларида кўчманчилик қилган (турк - қипчоқ) – мўғил халқларида махсус “учлик” қабила бирлашмаси учрамайди.

- Иккинчидан, бу муаммонинг “уч” сонига боғлиқ эканлиги ҳақидаги хулосалар ҳам ўринсиз. Чунки турк-мўғил этнонимида тўрт, беш, олти, тўққиз, ўн, ўттиз, қирик, юз, минг, туман сонлари ҳам кўп учрайди.

- Учинчидан, “уч Жуз” сўзининг ҳарбий жиҳатдан ўнг қанот, марказ, чап қанот сифатида вужудга келиши ҳам мантиққа тўғри келмайди.

Манбаларда қозоқ Жузларининг пайдо бўлган даврини XVI аср билан белгиланади. Жузларнинг ташкил топишига туртки бўлган асосий нарса, бу – Қозоғистоннинг табиий муҳити номадизмдир, яъни кўчманчилик турмуш тарзидир. Қозоғистон табиий зоналардан ташкил топган. У табиий равишда уч географик қисмга ажралган. Жанубий Қозоғистон ва Еттисув, Ғарбий Қозоғистон, Марказий, Шимолий-Шарқий Қозоғистон. Бу бўлиниш Қозоғистон аҳолисининг ҳам хўжалик, ҳам маданий фаолиятида ўз аксини топган. Қозоқ ерлари Катта, Кичик, Ўрта Жузларга бўлинган.

Катта Жуз Сирдарёдан Еттисувгача бўлган ҳудудларни эгаллаган: унинг таркибига уйсун, қанғили, албан, дулат, суан, сиргили, исти, ўшахти, шапраштий, жалойир каби қабилалар кирган.

Ўрта Жуз Марказий ва Шимолий–Шарқий Қозоғистон ҳудудларини ўз ичига олади. Унинг таркибига қипчоқ, арғин, уак, найман, қўнғирот, кереитл ва бошқалар кирган.

Кичик Жуз Сирдарёнинг қуйи оқими, Орол денгизи, Каспийнинг шимолий томонларини қамраб олган. Унинг таркибига баюли деб аталган

²⁹ А.П.Чулошников. Очерки по истории Казак-киргизского народа в связи с общими историческими судьбами. Оренбург.1924. –С.104.

жами 12 уруғни бирлаштирган қабила иттифоқи кирган: жумладан, булар адай, жаппаз, алаш, барш, есен-темир серкеш ва бошқа уруғлардир. Бундан ташқари жетиру деб аталган, яъни етти уруғни бирлаштирган қабила иттифоқи ҳам кирган бўлиб, улар табан, тама, жағал байли, рамадан ва бошқа уруғлар ҳисобланади. Алим ули деб аталган қорасақол, қоракесек, тўртқара, шекти каби олти уруғ бирлашмасидан ташкил топган қабила иттифоқи ҳам Кичик Жуз худудида яшаганлиги эътироф қилинган.

XV асрнинг 2-яримида бу халқ ёзма манбаларда қозоқ номи билан атала бошланган. Тарихий адабиётларда “қозоқ” этноними тўғрисида турли фикрлар ва тортишувлар мавжуд. Масалан: тарихчи олим А.Н.Бернштам қозоқ номини саклар билан боғлайди. Қозоқ сўзи қадимги пайтда “Каспий” яна “сак” сўзидан келиб чиққан яъни Каспи-сак, қас-сак, - казак бўлган деб тариф беради.³⁰

Қозоқ тарихчиси М.Оқинжонов “қозоқ” этнонимини изоҳлаб, “қозоқ” сўзи “қас” (нағис) “сак” (тайпаоти) деган сўзидан келиб чиққан ёки “нағизсак” сўзининг йиғиндиси дейди.

982 йилда форс тилида ёзилган “Худуд-ул Олам” китобида Алан мамлакати ва унинг қалъалари ҳақида айтиб ўтилади.³¹ Унда Алан элида, “қасақ” деган улус бор деб таъкидланади, лекин бу масалага ҳанузгача аниқ жавоб топилмаяпти. Бошқа тарихчилар уни туркча “қаз-ға”, “ғак”, “қазғак” (эркин одам) деса бошқалар “қас” дан “уйрек” яна “ак” деган топонимни ясайди. Қозоқ туркча сўз экани аниқ. Унинг боғланган маъноси аввалдан эркин, довюрак одам деган маънони беради. Этник мазмуни бўлмаган “қозоқ” сўзи – соясиз даштда юрган эркин ботир ва бошқа маъноларни билдирган. Сибирь халқининг эски тилида “қозоқ” сўзи “миқти”, “берик”, “жайқин”, “алип” деган маънода айтилган. Сўнги пайтда бу масалага бағишланган материаллар пайдо бўла бошлади. Араб манбаларини ўрганган тарихчи Б.Кемеков шундай мисолларни келтиради. “XI-XII асрларда Дашти-

³⁰ Кокуш Рысбай. Казакстан Республикасининг тарихи. Алматы. 2005. –Б. 61.

³¹ “Худуд ал-олам”. Рукопись Туманского, с введением и указателем В.В.Бартольда. -Л.1930. С. 56.

Қипчоқда” қозоқ деб аталган этник бирлик бўлгани ва бу асрларда қипчоқ хонлигининг этник ривожланиш жараёнида қозоқ халқининг келиб чиқишига негиз асос бўлган дейди.

XIV-XVI асрларда қозоқ халқи шаклланди. Қозоқ атамаси бир маънода “ўзбек”, “ўзбек-қозоқ”, “мўғил” ва бошқаларда қўлланилди.

“Қозоқ” атамаси қозоқ халқининг этноними бўлса, “ўзбек” атамаси Ўрта Осиё хонликларини бирлаштирган этнонимга айланди. Мўғил ва Ноғай ўрдаси ағдарилгандан сўнг қозоқ этноними Еттисув ва Дашти Қипчоқда яшовчи халқлар белгисига айланди.³²

Қозоқ этноними форс, араб, грек манбаларида ҳам кўрсатилган. Рус подшо ҳукумати расмий ҳужжатларида қозоқларни “қирғиз-қайсоқ” ёки “қирғиз” деб атаган. Тарихчи А.И.Левшин³³ қозоқларни “қирғиз” деб аташ адолатсизлик деб таъкидлайди. Қозоқ олими М.Дулетовнинг ёзишича, қозоқлар ва қирғизлар туркийдан тарқаган туб негизи бир халқ бўлгани билан уларнинг қони бўлакдир, деб таъкидлайди. Шундай қилиб, XIX асрнинг охирларида тарихчи ва тадқиқотчилар ўз асарларида қозоқларнинг шаклланиши, ҳўжалиги ва турмуш тарзини ёритиб беришга ҳаракат қилдилар.

Хулоса қилиб айтганда, ўзларининг тарихий ривожланиш жараёнларида азалдан қозоқ элатининг этник ўзаги сифатида қарор топган қабилалар ўзларининг кенг доирадаги қўшнилари билан мустаҳкам этник ва маданий алоқаларга киришдилар. Улар билан қўшилишиб аралаш-қуралаш бўлиб кетдилар. Улар умумий ҳарбий ва сиёсий иттифоқларига бирлашдилар ҳамда ҳўжалик алоқаларга киришдилар. Ана шунинг асосида вужудга келган этник жараёнлар қозоқ халқи этник ўзагининг чегараларини кенгайтирди, улар билан тобора кўпроқ қабилаларининг бирлашувига олиб келди. Кейинчалик янги этник бирлик бўлган қозоқ элатининг шаклланиши билан ниҳоясига етди.

³² Кокуш Рысбай. Ўша китоб. Алматы. 2005. -Б. 63-64.

³³ Левшин А.И. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд или степей. Ч.1-3. СПб., 1832 .-С. 33.

I.2. Аблайхон фаолияти ва унинг даврида қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволи.

XVIII асрда яшаган Ўрта қирғиз-қайсоқ ўрдасининг энг кўзга кўринган хонларидан бири бу – Аблайхондир. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, рус манбаларида қозоқлар “қирғиз-қайсоқ” номи билан аталган. У Ўрта ўрда (Жуз) султонларининг кичик тармоғидан келиб чиққан уруф бошлиғи Абулмамбетдан кейинги учинчи авлод ҳисобланади. Аблайхоннинг фаолиятини кўплаб халқ достонларида ёзишган. У бутун XVIII аср давомида халқнинг буюк сардори сифатида намоён бўлади.

Аблайхон қозоқ давлатчилигини сақлаб қолиш ва мустақамлаш борасида ақлли сиёсат олиб борган. Аблайхон (1711-1780) ёшлигидан ота-онасидан етим қолган ва кўп азоб-укубатларни бошидан кечирган. Ч.Валихоновнинг ёзишича, унинг буваси Аблайсултон Туркистон шаҳрининг ҳокими бўлган ва у ҳам жанговар жасоратлари билан донг таратган. Шавқатсизлиги учун унга “қон ичар” деган ном ҳам берилган. Унинг ўғли Вали, отасининг олдинги мавқеини сақлаб қола олмаган, қўшни ҳокимлардан бири томонидан Туркистон босиб олинганч ўлдирилган. Фақат содиқ кулининг хизмати эвазига 13 ёшли Аблай тирик қолган. Аблай бой оилага хизматга кирган.³⁴

Бизга маълумки, XVIII асрнинг бошларида жунғор хонлиги ғарб томонга қараб ўзининг шиддатли ҳужумларини бошлаган эди. Шу даврдаги вазият унинг ботирлигини ўткир зеҳнлилиги ва ақллилигини кўрсатишда қўл келган. Бу йиллар қирғиз халқи учун оғир йиллар бўлди. Аблай жунғор хавфини яхши тушуниб етди, шунинг учун ҳам россия–қозоқ муносабатларида фаол иштирок эта бошлади. Шунинг учун ҳам у Абулхаирдан ўрнак олиб, 1740 йилда Абулмамбет билан биргаликда Россия

³⁴ Валихонов.Ч.Ч. Собрание сочинений. 1985.-С.11.

фуқаролигини қабул қилган.³⁵ Гоятда жасурлиги, топқирлиги учун оддий аскар бўлиб урушни бошлаган Аблай тез орада арғин уруғларининг биринчи султони қилиб сайланди. У XVIII асрнинг 30-йилларидан бошлаб қозоқларнинг бутун юришларида ва қўшни давлатлар билан келишувларида фаол иштирок эта бошлаган эди.³⁶ 40-50 йилларда жунғорлар билан алоқани йўлга қўйиб Сирдарё бўйидаги шаҳарларни қозоқларга қайтарди.

1740 йил Абулмамбет билан биргаликда Россия фуқаролигини қабул қилди. Ёш султон Аблай ҳарбий қаҳрамонликларидан ташқари ўзининг устамон сиёсатчи эканлигини ҳам намоён қилди. У қозоқ Жузлари орасида катта обрў-эътиборга эга бўлишига қарамай, ўша даврдаги Ўрта Жуз хони Абулмамбет билан тахт талашмади. (У ўзини четга олди.)

А.И.Левшин “Описания киргиз-казачьих, или киргиз-кайсацких, орд и степей”³⁷ номли китобида қозоқ халқи қаҳрамонига юқори баҳо бериб, Аблайхоннинг сиёсат бобида айёрлиги ва катта тажрибага эгалиги, ақллилиги, унга итоат қиладиган аҳолининг кўплиги билан Россия империяси ва Хитой боғдихонлари (боғдихон-муқаддасхон, Хитой императорининг мўғилча номи) билан муносабатда барча киргиз ҳукмдорларидан ўтиб кетди, деб ёзган эди.

У ойрот ҳукмдорларининг ўзаро ички уришларига ҳам аралашиб уларни заифлаштиришга интилди.

Аблай Россия фуқаролигига содиқ ҳолда 1757 йил Хитой (Цин) ҳукмдорлари хизматида ҳам кирди.

У 30 -йилларда қозоқларнинг бутун юришларида ва қўшни давлатлар билан келишувларида фаол иштирок этди³⁸.

XVIII асрнинг 40-50 йилларида Аблай Ўрта Жузда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиб, Марказий, Шарқий, ва Жанубий Шарқий

³⁵ Масанов Н.Э, Абилов Ж.Б, Ерофеев И.В, Алексеев А.Н, Баратова Г.С. История Казахстана народы и культуры. 2007.-С.155.

³⁶ Артыкбаев Ж.О. История Казахстана. 2007.-С. 198.

³⁷ Левшин А.С. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей. СПб., 1832. –С. 26 .

³⁸ Алимова Р.Р. Марказий Осиё тарихи манбашунослиги ва тарихнафислик изланишлари 2-илмий топлам. Мақола. Тошкент. 2010.-Б.77-78.

Қозоғистондаги кўчманчи аҳолиси ўртасида ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Жунғорларга қарши кураш жараёнида Аблай ўзидаги ташкилотчилик қобилятини, кучли ирода эгаси эканлигини узоқни кўра биладиган қобилят эгаси эканлигини намоён қилди. Айнан шу йилларда қозоқ халқи орасида машҳур Жунғор хони Галдан Церенга (1727-1745) қарши курашда Аблайнинг қаҳрамонлиги тўғрисида ривоятлар пайдо бўлган. Этник ўзини англаш, миллий ғурур XVIII асрдан қозоқларнинг энг яхши хислатларидан бири бўлди. Қозоқларнинг этник таркиби XVIII асрга келиб қалмиқлар, бошқирлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва бошқа Ўрта Осиё халқлари ҳисобига ошиб борди.

XVIII асрда қозоқлар сони уч миллионга етган. Ҳеч қачон ҳеч бир кўчманчи қабила Ўрта Осиёда бундай натижага эришмаган.

Чўқон Валихонов³⁹ бу ҳолатни шундай таъкидлаб ўтган: “Қозоқларнинг Аблайга содиқлиги қандайдир бадий хуружга ўхшайди. Аблай асри-қозоқ рицарлиги асридир”. Шунинг учун ҳам XVIII асрни ўрганиш бутун Евроосиёдаги кўчманчи қабилалар тарихини ўрганиш учун калит ҳисобланади.

Аблайхон билан бир даврда яшаган рус давлат аъзолари А.Тевкелев ва П.Рычковлар куйидаги фикрларни айтиб ўтганлар: “Аблайхон бутун Ўрта Ўрда эгаси ҳисобланади, шу ҳолатда у хитойликлар билан ташқи муносабатларда аралашиб қолган ва Ўрдани тартибга солишда Аблайни авраш керак”.

Бундан ташқари, улар XVIII асрдаги қозоқларнинг жамиятдаги ижтимоий ҳаёти ҳақида айтиб ўтганлар.

Қирғиз – қайсоқ хонлари ҳақида айтиб ўтарканмиз, уларнинг бошқарув тизимини айтиш керак, маъмурий бошқарув тизими ҳар уччала ўрдада ҳам ўзгача, уни ҳеч қайси бошқарув шаклига солиштириб бўлмайди: халқ ҳеч қандай сиёсий ҳуқуқни билмайди ва умумий мақсад нимада эканлигини англамаган, улар фақат эркинлик ва хавфсиз бўлишни хоҳлайдилар. Шундан

³⁹История Казакской ССР: С древнейших времен до наших дней. Т. 5. 1979 .-С 75.

улар ўзларини устун қўядилар, улар бошлиқлари майлику, ўз эгаларига ҳам бўйсунмайдилар, бу ҳолатда, уларни қачон бир мақсадга йўналтириб бўлади. Бу ҳолатда, халқ ишларида асосан, бу ишлар хон ва султонлар қўлида, баъзан етакчилар қўлига ўтади, лекин улардан қўрқмаган ҳолда ва уларни ҳукмронлигини тан олмаган ҳолда, улардан фақат шу мақсадда фойдаланиб, уларни хонга бўйсундириш мумкин эмас, чунки улар халқни жаримага ҳам тутта олмайдилар, деб таъкидлайди.

Россия билан қозоқ Жузларининг ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш учун қулай вазият вужудга келади. Бу борада рус элчиси К.Миллернинг саъи-ҳаракати билан жунғор тутқунлигидан озод қилинган Аблайхоннинг хизмати катта бўлди.⁴⁰

1755 йил қозоқлар ва хитойликлар ўртасидаги алоқалар ёмонлаша бошлади. Бунга сабаб хитойликлар Жунғорияни йўқ қилиб қозоқ хонликлари чегараларига етиб келган эди. Бу жараёнда қозоқ уруғи бошлиқлари Аблай бошчилигида жунғорларни қўллаб-қувватладилар. Улар қалмиқларнинг охирги хони Амурсанни ҳам бермадилар, ҳатто хитойликларга қарши 1756 йилда урушдилар ҳам. Қозоқлар бу давлатнинг сақланиб қолишига ҳаракат қилди, чунки бу ер икки давлат ўртасидаги буфер ҳудуд ҳисобланар эди. Бу ҳолат Аблайхоннинг бошқирдларга қилган ёрдамида ҳам кўринади. Жунғор хонлигининг тугатилиши бу ҳудуддаги сиёсий вазиятни ўзгартириб юборди. XVIII асрнинг 60-йилларида Хитой билан Россияни бир-бирига қарши қўйган ҳолда улар билан дипломатик алоқаларни йўлга солди.

Ўрта ва Катта Жуз вакиллари Цин империясининг агрессиясига дучор бўлдилар, бу ҳолат Қозоғистонни эгаллаш режаси билан боғлиқ эди. Аблайнинг сиёсати, ва узоқни кўра билиши Хитойнинг қозоқларга қарши шафқатсиз босқинини тўхтатишга эришилди. Ч.Валихонивнинг фикрича, Хитой қўшинлари 1756, 1758, 1760 йилларда Ўрта Ўрда қозоқлари ерларига бостириб кирган. Кичик Жуз хони Нурали, Ўрта Жуз хони Абулмамбет ва

⁴⁰ Артикбаев Ж.О. История Казахстана. 2007. –Б. 196 .

Аблай зудликда империя билан алоқага киришган.⁴¹ Демак, юқорида эслатиб ўтганимиздек, мураккаб шароитга тушиб қолган Аблай вазиятдан чиқиб кетишнинг йўллари кидириш учун шундай йўл тутган.

XVIII асрнинг 60–йилларида Ўрта Жузда Абулмамбет хон ҳокимияти заифлашиб қолган пайтда Аблайсултон ҳақиқий ҳокимиятга эриша бошлаган. У Шимолий, Марказий ва Жануби-Шарқий Қозоғистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган эди.

Аблай уччала Жуз қозоқлари устидан ҳокимиятни ўрнатишга шошилган. Шу билан бирга Марказий Осиё минтақасида қозок хонликларининг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигига эришишга ҳаракат қилган. Шу мақсадда Аблай ўзининг кўплаб ўғиллари, ака-укалари ва жиянларини қозоқларнинг йирик уруғ бўлинмаларига бошлиқ қилиб қўяди ва аста-секин олий насаб оқсоқолларининг сепаратчилик ҳаракатини бўғишга ҳаракат қилади.

1771 йилда Абулмамбет вафот этгач, Туркистондаги Аҳмад Яссавий масжидида хонлик тахтига ўтиради. Аблай 1771 йил хонлик унвонини олган бўлса ҳам, аслида беш йилдан сўнг Оренбург амалдорларининг қистови билан рус императорига мурожаат қилиб, уччала Жуз хони деб тасдиқлаб беришини сўраган.

Аблай рус давлати билан яқин алоқаларини йўлга қўйиш орқали Тянь-Шань қирғизлари ва Қўқон хонлигига қарашли Сирдарё бўйи шаҳарларини босиб олишни кўзлаган. Аблай Россияга тобелигини билдириб қасамёд қилган. Рус ҳукумати вакиллари унга хонлик белгиси сифатида шамшир, пўстин ва қалпоқ ҳадя этган. Қозок Жузлари Аблайхоннинг ҳокимиятини тан олган. У ўзининг ҳарбий ҳаракатларини давом эттириб Сирдарё бўйидаги етти шаҳарни жумладан, Туркистон, Сайрам, Чимкент, Сўзоқни босиб олиб Тошкентгача кириб келган.

Аммо жануб ҳудуд унинг қўлида узоқ қолмаган. Умрининг охирида Туркистонда яшаб қолган ва шу ерда 1781 йилда вафот этган.

⁴¹ Валиханов.Ч.Ч.Собрание сочинения.Т.1.Алма-ата.1961.-С.38.

Бошқа бир манбаларда кетирилишича, Аблайхон Тошкентда вафот этган. Унинг ўрнига Ўрта Жуз хони этиб ўғли Вали султон сайланди. Аблайхондан кейинги қозоқ хонларининг мавқелари яхши бўлмади ва тез орада Россия ҳукумати томонидан хонлик тизими бекор қилинди.

Аблайхон ҳарбийликдан ташқари мохир дипломат ва сиёсатчи эканлигини ҳам қуйидаги ёзишмалари орқали билиб олишимиз мумкин.

Қуйида Уйск ҳарбий линияси полковниги П.Родинга Красноярск қалъасидан ун ва ошлиқ олишга рухсат сўраб ёзган илтимосномаси матнини келтирамиз:

“Олий насабли ва ҳурматли жаноб полковник Пётр Андреевич Родинга мендан Аблайсултондан таъзим.

Сизга шуни маълум қиламанки, октябрнинг 20-санасида император жаноби олийларининг ёрлиғини ва Оренбургдаги гинерал жаноби олийлари томонидан юборилган беш аршин мовутни ва таржимонимиз Филат томонидан юборилган сизнинг хатингизни олдим. Ушбу ёрлиқни менинг қўл остимдаги қирғизларга ўқиб бердим ва тушунтирдим. Бундан кейин ҳам император жаноби олийларининг барча фармойишларини қувонч ила адо этаман ва мен томонимдан халқ турмуши ҳақидаги маълумотларни Сизга ва жоноби гинералга етказиб тураман. Сиздан илтимос мен ва менинг халқимга муқаддас Пётр қалъасида ун ва ошлиқни чорвага алмаштиришга рухсат беринг.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, биз Аблай султон муҳримизни босдик”^{.42}

Ушбу мактубнинг мазмунидан кўриниб турибдики, Аблайхон халқнинг аҳволини яхшилаш учун рус маъмурлари билан қай даражада муносабатларни олиб борганини кўришимиз мумкин.

№ 234

1759 йил 29 ноябрь Оренбург губерния девонхонаси И.Уроковга ва таржимон Я.Туляевга уларнинг Ўрта Жуздаги аҳволни аниқлаш ва

⁴² Златкин.И.Я. История Джунгарского Ханства. 1983.-С .202 .

султон Аблайнинг Хитой билан алоқаларини аниқлаш учун Аблай хузурига юборилаётганлиги бўйича йўриқнома.⁴³(мутлақо махфий)

“Хитойликлар билан ҳозирги алоқалари ва қирғиз-қайсоқ Ўрта Ўрдасидаги Аблай султоннинг мавқеини назарда тутган ҳолда, у анча айёр ва ақлли эканини ҳисобга олиб Ўрта Ўрданинг ҳақиқий хони бўлишга розилик бериш – бермаслиги аниқлансин. Агар у ҳам кичик Ўрда хони Нурали сингари катта ўғилларидан ва атоқли кишиларидан омонат беришга розилик берса, у хонликка лойиқ, чунки Нурали султон ҳам омонатларини қайтарилишини талаб қилиши мумкин. Бундан ташқари анчадан бери Ўрта Жуздан кетиб Туркистон шаҳрида жойлашиб қолган.

Абулмамбетхон ҳам Аблайнинг хон бўлишига монеълик қилмаса керак. Шунинг учун Аблай султондан омонат бериш-бермаслигига рози бўлишини усталик билан аниқлаб берилсин. Агар у розилик берса, омонатларни Троицк қалъасига юбориш лозим. Бундай тақдирда Аблайнинг хонлик мартабаси тасдиқланиб, унга маош тайёрланади. Биз бу орқали Оренбург ва Троицк қалъасига савдо қилиш учун келувчи қирғиз-қайсоқларни ҳам назорат қиламиз. Бу масалалар унга яхшилаб тушунтирилсин...”

Ушбу хатнинг мазмунидан кўриниб турибдики, Аблайдан рус маъмурлари қанчалик қўрқиши, бундан ташқари ҳали Абулмамбет хон бўла туриб, рус маъмурлари Аблайдан хавфсираши, у билан келишишни истаётгани, унинг Ўрта Жузлар орасида қанчалик обрўга эгалигини билиб олишимиз мумкин.

№ 252

1762 йил 17 октябр – Аблай султонинг Екатерина II га унинг тахтига чиқиш муносабати билан ёзган хати

“Энг олий насаб, энг қудратли, энг буюк ва ҳоказо...

Императрица Екатерина Алексеевна жаноби олийларига камтарин кўлидан мактуб.

⁴³ Казахско-русские отношения.1961.-С .603.

Сизнинг Россия тахтига чиққанлигингизни сиз юборган муборак ёрликдан таржимон Филат Бардоев ёрдамида ўқиб эшитдим ва сизга тобе бўлган каминаи-камтарин, жаноби олияларининг ёрлиғини олгандан боши осмонга етиб, ўзининг минатдорчилигини изҳор этади. Каминаи-камтарин кулингиз Сиз хазрати олияларини Россия тахтига мушарраф бўлгани учун кутлашга журъат этиб Сизга Аллохдан узоқ йиллар тинчлик ва осойишталик, узоқ умр тилайди”⁴⁴.

Мазкур коғозга кўйилган муҳрда айнан Аблай султон номи зикр этилган. Бундан кўриниб турибдики, Аблай ҳали хон даражасига кўтарилмай туриб ўзи мустақил рус императрицаси Екатерина II билан муносабатларда фаол иштирок этгани таҳсинга сазовор. Зеро, бу ерда Аблай султоннинг донолиги ва жасорати муҳим аҳамият касб этади. Ч.Валихановнинг гувоҳлик беришича, - “Аблай рус чегарасига қасамёд қилиш учун боришни хоҳламаган, мен ўз халқим томонидан сайланганим етарли”,- деб ҳисоблаган⁴⁵. Ўзига етарли ғурурли ва қайсар бўлган Аблайхон ақл билан сиёсат олиб борди. У қозоқ Жузларининг тарқоқлиги ва ўзаро келишмовчиликлар ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши тушунар эди. У Россия ҳукуматига нисбатан ҳам, Цин империясига нисбатан эҳтиёткорона сиёсат олиб борди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Аблайхон қозоқларнинг ҳақиқий жонкуяр раҳнамосидир. Ўша давр нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, Аблайхон оғишма сиёсатни амалга оширишга мажбур бўлди, чунки унинг халқи ва давлати ҳамиша кучли қўшни давлатлар ва жанговор халқлар билан ёнма-ён яшаб келди, бу эса уларнинг ҳамиша таҳлика остида яшашга мажбур этди. Шундан келиб чиқиб, Аблайхон ҳам ўз халқи ва давлатини сақлаб қолиш учун турли ҳимоя ва таянч бўладиган усуллардан фойдаланишга интилди. У ташқи кўринишидан Россияга хайрихоҳлигини билдирсада, лекин амалда мутлақо мустақил ҳаракат қилишга интилди.

⁴⁴ Казахско-русские отношения. 1961.-С. 607.

⁴⁵ Бескровный Л,Тихвинский С,Хвостов В. К истории формирования русско-китайской границы.- Международная жизнь,1972.-С. 22.

II Боб. XVIII асрда Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволи.

1. XVII аср охири ва XVIII асрда қозоқ Жузларининг сиёсий аҳволи.

XVII аср охири ва XVIII асрда бошларида қозоқ халқи жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари ғоят секинлик билан ривожланди, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳали ҳам қолоқ – патриархал ҳолатда эди. Кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлик хўжалиги табиат инжиқликларига бевосита боғлиқ эди. Чорвадорларнинг меҳнати кам унумли эди. Қозоқ жамиятининг иқтисодий базаси бўлган кўчманчи чорвачилик кўп жиҳатдан Қозоғистон ҳудудида мустақил давлатнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши учун монеълик қилар эди⁴⁶.

XVII аср охири ва XVIII асрда бошларида Қозоқ Жузлари сиёсий тарқоқ бўлиб қолмокда эди. Бу ерда уч Жуз бўлиб, улар одатда бир неча хонликлардан иборат эди. Бир жойдан иккинчи жойга мунтазам кўчиб юриш уруғ ва қабилалар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига ҳалақит берар эди.

Ўрта Жуз Марказий Қозоғистонда жойлашган бўлиб, уларнинг ёзги ва кишки яйловлари Сарисув дарёлари бўйлари эди, Ишим, Тобол, Тўрғай дарёси ирмоқлари ва улуғтоғ этаклари ва шу ердаги кўллар атрофида эди.

Катта Жуз Сирдарёнинг юқори оқимидан Еттисувгача бўлган ҳудудларда эди.

XVIII асрнинг биринчи чорагида қозоқ хонликларини мустаҳкамлаш учун ҳаракат бўла бошлади.

Бу йилларда манбаларга кўра хоннинг 80 минглик кучли кўшини бўлган, лекин тез орада қозоқ хонлари ўртасидаги ички кураш янада авж олган ва бундан уларнинг кўшинлари фойдаланиб қолишган. Рус-қозоқ

⁴⁶ Валиханов Ч.Ч. История Казахской ССР Древнейших времен до наших дней. Т5. 1979 -С.14 .

алоқаларининг фаоллашуви, XVIII асрнинг бошидаги Россиянинг Шарқий Сибирь ва Жунғориядаги фаол дипломатик ва ҳарбий фаолияти қозоқ-рус алоқаларининг ҳам жадаллашувига олиб келди. Чунки бу сиёсат Жунғорияни қозоқ Жузларига янги босқин уюштиришдан сақлаб қолишига хизмат қиларди. XVIII асрдаги биринчи қозоқ элчиси Тайкамур Култибаев 1715 йил сентябрда Уфада қозоқ бошқирд муносабатларини ойдинлаштириш учун юборилди. Бу келишув Абулхайрхоннинг бошқирд ерларига босқини пайтига тўғри келгани учун, элчилар анча вақт Уфада ушланиб қолди. Рус дипломатияси ҳам рус-қозоқ муносабатларини яхшилаш учун аниқ тадбирларни амалга ошира бошлади. Масалан: Сибирь губернатори қозоқ хонлари ва Ўрта Осиё хонлари билан савдони ривожлантиришга қарор қилди. Шунинг учун қозоқ элчиларининг Уфада ушланиб қолиши муносабати билан қозоқ хони Таукаҳонга мактуб йўллаб баҳсли масалаларни фақат музокара йўли билан ҳал этишга чақирди. Нима бўлса ҳам Тоукаҳоннинг ўғли Қаип 1716 йил июль ойидаги жавоб мактубида бу фикрга ижобий муносабат билдирди. Хон Қаип ва унинг халқи номидан юборилган Бекпулат Екешев ва Бойдаулет Бўриев бошчилигидаги элчилар 1716 йил сентябрда ва уларга жавобан 1716 йил октябрь ойида Б.Брянцев бошчилигида юборилган рус элчилари ҳамда 1718 йил октябр ойида Шабу ва Баҳодир бошчилигидаги қозоқ элчиларининг сай-ҳаракатлари рус-қозоқ муносабатларининг яхшиланишига олиб келди. Жунғорияга қарши биргаликда ҳаракат олиб боришга шартнома тузиш учун реал имкониятлар юзага келди. Иқтисодий қолоқликни, сиёсий тарқоқликни бошидан кечираётган қозоқ Жузлари учун сиёсий муаммо Жунғория қуллигига тушиш ҳавфи ҳам пайдо бўлди. Узоқни кўра олувчи айрим ҳукмдорлар халқни қутқаришнинг ягона йўли Россия фуқаролигини қабул қилиш эканлигини тушундилар. Кичик Жузнинг Россия таркибига қўшилишида Жуз хони Абулхайрнинг роли катта бўлди. 1725 йил Петербургга қозоқ-қорақалпоқ элчилари юборилиб, улар хон номидан ҳар қандай душманга қарши ёрдам беришларини изҳор этди. Бунга жавобан 1726 йил Россия элчиси Мулла

Махсуд Юнусов Абулхаирхон билан учрашди. Бу учрашув чоғида Кичик Жуз қозоқларининг Россия фуқаролигига ўтиш масаласи муҳокама этилди. Бу музокара натижасига кўра, Абухаир Петербургга қўйбоқар Кобеков бошчилигида элчилар жўнатиб, Россия ҳомийлигини олиш, Волга ва Ёйик дарёлари оралиғидан яйлов сўраш, қозоқ савдогарларининг Россияга монетасиз киришларини таъминлаш ва қозоқларни жунғорлардан ҳимоя қилишларига эришиш топшириқларини берди. Лекин қозоқларнинг бу миссияси муваффақиятсизликка учради. Қозоқларга автономия берилмади. Чунки Россиянинг Жунғория билан алоқалари ёмонлашиши мумкин эди. Шунга қарамай бу музокаралар рус-қозоқ муносабатларининг мустақамланишига замин яратди. XVIII асрнинг 30-йилларида Ўрта ва Кичик қозоқ Жузлари Россия тобелигига қабул қилинди. XVIII асрнинг 40-йилларида рус-қозоқ ўзаро алоқалари янада мустақамланиб борди. Бунга чек қўйиш мақсадиджа Жунғор ҳукумати ҳарбий ҳарактердаги бир неча тадбирлар бошлади. Маълумотларга қараганда, 40- йиллар ўрталарида хунтайши Галдан Церен қозоқ овуллари ва рус қалъалари жойлашган ерларда 20 мингдан зиёд қўшин тўплади. Буни назарда тутган чор ҳукумати эски истеҳкомларни таъмирлаш ва янги ҳимоя истеҳкомларини қуришни бошлади. Умуман олганда, Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг Россия тобелигига ўтиши, улар ўйлагандай натижаларни бермади:

Биринчидан, улар умид қилганидек, русларнинг қўли билан рақибларини заифлаштириб, ўз ҳокимиятини мустақамлашга эришмадилар.

Иккинчидан, аксинча уларнинг аввалги мавқеи ҳам пасайиб рус маъмурлари қўлида ўйинчоққа айланиб қолди. Шу ўринда И.Неплюевнинг фикрлари диққатга сазовордир: қирғиз халқида алоҳида кучли хоннинг бўлиши нафақат фойдали эмас, балки зарарли бўлиши мумкин.⁴⁷

Қозоқ ва жунғор хонликлари ўртасидаги тўқнашувлар тобора қонли тус ола бошлади. Қозоқлар бирин-кетин оғир мағбуриятларга учраб, душманлар яйловларни, бойликларни тортиб олар, одамларни ва чорваларни ҳайдаб

⁴⁷ История Казахской ССР Древнейших времен до наших дней. Алма-Ата. Т.5. 1979.-С. 67

кетар эди. Гоҳо бутун овул ва уруғлар кириб ташланар эди. Бу босқинлар халқнинг нафақат иқтисодий жиҳатдан ривожланишига балки, руҳий-маданий турмушига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Билимли, мард қозоқ ўғлонларининг жангларида шаҳид кетишига сабаб бўлди. Уларнинг асосий душмани бўлган жунғорлар давлати тарихини ёритадиган бўлсак, бу давлат 1635 йил хойт, хошоут, дурбит, торгоут ва бошқа Мўғилистондаги жунғор қавмларининг бирикиши натижасида, Жунғор хонлиги ташкил топди. Жунғор сўзининг этник маъноси “Сўл қанот демакдир”. Унинг биринчи ҳукмдори Ботир хунтайжи бўлиб, у 1640 йили Тарбағатай тоғида, Или дарёси бўйида қурултой чақирди ва “Дашт тузуклари”ни қабул қилди. Умуман олганда, жунғор атамаси Чингизхон даврида мўғил-турк қабилаларининг аскарлари, унинг қўшини таркибидаги тартибли бошқарув негизида пайдо бўлган деб манбаларда келтирилади. Бир сўз билан айтганда, Жунғор хонлиги мўғил қавмларининг бирикуви натижасида пайдо бўлди.

1643 йил Ботир хунтайжининг қўшини қозоқ хони Жангирхон (Жаҳонгирхон) билан жанг олиб борди. 1652 йилда Жангирхон ўз ерларини қайта эгаллайди. Жангирнинг ғалаба қозонишида унинг шериклари Ботбой, Денен, Сиқим Шинет, Бегежил Жахсигул, Шегил Ақпан ботирлар бўлди. 1653 йилги қозоқ-жунғор урушида жунғорлар чекинди. Шундан сўнг бир муддат уруш тўхтади. Бунинг сабаби, Ботир хунтайжининг ўлими бўлиб, жунғор хонлиги тахти учун кураш бошланиб кетганида эди.

1650 йилларда дулат, қанғли, жалойир ва бошқа қабилалар Ёттисувни ташлаб бошқа ерларга кўчиб кетди, жумладан, улар Тошкентга қараб кетди, деб таъкидланади манбаларда.⁴⁸

Жунғорлар 1680 йил Туркистондаги Жаркент қалъасини босиб олди. Ундан сўнг 1681-1683 йиллари Галдан Бошоқту қўшини Сайрамга ҳужум қилди, лекин эгаллай олмади. У пайтда Сайрамнинг 4 дарвозаси бўлиб, уларнинг номи Қорамурт, Чимкент, Бел ва Базар эди. Манбаларда

⁴⁸ Тинишпаев М. Материалы к истории киргиз-казакского народа. Ташкент. 1925.-С. 5.

таъкидланишича бу дарвозаларни 1617 йили Асадиллахўжа қурган деб айтиб ўтилади.⁴⁹

1710-1711 йилларда жунгор қўшинлари Қозоғистон ҳудудига йирик хужумлар уюштирди. Вазият қанчалик жиддийлигини шундан билса бўлардики, 1710 йил Қорақумда қозоқ Жузларининг вакиллари қурултой-ўтказди, шунда айрим бийлар жунғорларга таслим бўлишга, айримлари эса юр்தларини ташлаб Волга ортига чекинишга даъват этадилар, лекин халқ курашга бошлиқ қилиб сайланган Букенбой Ботир уларни бу фикрдан қайтариб, курашга чакиради.

Қозоқ Жузларининг қайтадан жипслашуви Тоукахон қўшнига маълум ғалабалар келтирди.

1713 йил жунғор қўшинлари янги босқин ясаб қирғин-барот қилдилар.

1717 йил Қаип ва Абулхаир бошчилигидаги 30 минг кишилиқ қозоқ қўшини Жунғорияга қарши юриш бошлади, лекин улар Аягуз дарёси бўйида қақшатқич мағлубиятга учради.

1722 йил Хитой императори Канси вафот этди. 1723 йил Жунғория-Хитой тинчлик шартномаси тузилди. Энди жунғор ҳукмдорлари Хитой хавфини тугатиб, қозоқ Жузларига қарши жиддий урушга отландилар.

Талас, Боролдай, Арисъ, Чирчик, Сирдарё кечувларида минглаб қозоқлар ҳалок бўлдилар.

Қозоқ қочоқларининг янги оқими ғарбий ҳудудлар сари йуналди. Кичик Жузнинг одамлари Ўрта Осиё хонликларида узоқ туролмас эдилар. Рус тадқиқотчиси А.И.Левшиннинг ёзишича, “Қайсоқларнинг кичик ўрдаси Эмба дарёси қирғоқларигача ва ҳатто чегарани бузиб Ёйиқ дарёси ортларигача келиб жойлашган. Қозоқларнинг оммавий равишда ғарбга кўчишлари Урал ва Волга оралиқларида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланиб келаётган қалмиқларни таҳликага солиб қўйди.”

“Буюк мусибат” йилларида қозоқлар ва Бухоро ва Хива хонликлари ўртасидаги муносабатлар ҳам ёмонлашди.

⁴⁹ История Казахстана с древнейших времен до наших дней. Т. 3. Алматы. 1997.-С. 530.

Қозоқларнинг аҳволи танг бўлишининг яна бир сабаби, улар ғарбга чекинаётиб туркманлар ва қорақалпоқлар билан ҳам тўқнашишга мажбур бўлдилар. Анча вақт қорақалпоқлар орасида яшаган Уфалик татар М.Юнусовнинг ёзишича, Орол бўйида кўчманчилик қилаётган қорақалпоқлар ва қозоқлар ўртасида “тўқнашув ва жанжаллар бўлган. Жунғорлар босқини оқибатида қозоқ Жузлари хўжалиги инқирозга учради ва бу уларнинг муносабатлари ёмонлашишига олиб келди. Шундай оғир ташқи ва ички сиёсий вазиятда қозоқ султонлари ва хонлари халқни бирлаштира олмади.

Қозоқларнинг босқинчиларга қарши кураши 1724 йилиёқ бошланган эди. Тахминан 1728-29 йилларда қозоқ халқи вакиллариининг умумий йиғилишида халқ ҳаракатининг қўмондони этиб кичик Жуз хони Абдулхаирхон сайланди. Қозоқ Жузларининг қўшинлари баҳамжихатликда олиб борган ҳаракатлари натижасида бир неча муҳим ғалабаларга эришилди.

Афтидан Анракой жангидан сўнг, қозоқ хонлари ўртасида олий ҳокимият учун кураш бошланган.

Жунғор хонларининг босқини қозоқ хонликлари сиёсий ва иқтисодий ҳаётига жуда катта зиён етказган, минглаб халқ қирилган, чорва молларининг асосий қисми душманлар томонидан олиб кетилган. Қозоқ Жузлари ўртасидаги алоқаларга ҳам путур етган. Улар ўртасида яна тарқоқлик бошланган. Шу тариқа хароб аҳволга тушиб қолган қозоқ Жузларига ташқи душманлардан ҳимоя этиш учун қудратли қўшни давлат Россия ёрдамига эҳтиёж зарурати юзага келган. Қозоқ Жузлари фақат рус ҳукуматиғина бошқирдлар ҳужумини тўхтата олади деб ҳисобларди. Қозоқ Жузлари бирин-кетин рус империяси таркибига ўта бошлади.

Кичик Жуз 1731 йил 19 февралда, Ўрта Жуз 1731 йил 15 декабрда, Катта Жуз 1734 йил 10 майда Россия империяси таркибига ўтди. Лекин бу ҳаракат ҳам қозоқ-жунғор урушларини бутунлай тўхтата олмади.

Хулоса қилиб айтганда, XVII аср охири ва XVIII аср бошларида қозоқ Жузлари сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлиб қолмоқда эди. Мана шу воқеаларни

кўрган ва шу воқеаларнинг шоҳиди бўлган, қозоқ донишмандларидан бири “Қозоқнинг душмани қозоқдир” дея афсус билан таъкидлаб ўтган эди. Чунки ўша пайтда душманга қарши бирлашиб курашиш ўрнига, бошқа бир давлат соясидан паноҳ топишни ўйларди холос. Уларнинг бу ҳаракати ўзлари учун кўпдан-кўп босқинларни келтириб чиқарди ва бу йиллар “Буюк мусибат йиллари” деб ном қолдирди. Жунғорлар ҳужуми қозоқ халқининг бошига кўплаб саргардонлик ва ташвишларни солди.

II.2.Жунғор хонлигининг қозоқ Жузларига тазийқи ва қозоқ-жунғор урушлари.

XVI аср охирларида Қозоқ хони Таваккал ва унинг укаси Ишим султон Ўрта Осиёга бостириб киради ва Туркистон ҳамда бошқа Сирдарё атрофидаги шаҳарлар XVIII асрнинг 20-йилларига қадар, яъни Жунғорлар босқинигача уларнинг қўл остида қолди. В.В.Вельяминов-Зернов ва В.Бартольд қозоқларнинг Сирдарё атрофларини босиб олиши уларнинг уч Жузга бўлинишига ҳам таъсир қилганлигини таъкидлашади. Бу босқин илгарироқ бошланган хўжалик ва сиёсатдаги бўлинишни тезлаштирганди. Тарихчилар қадимдан қозоқ ерларида хўжалик ва ҳаёти билан фарқланувчи уч асосий ҳудуд (Еттисув, Марказий Қозоғистон ва Ғарбий Қозоғистон)га ажралганлигини айтишади. “Шарафномаи шоҳий”да айтилишича, XVI аср охирларида қозоқлар ғалаёнли даврни бошдан кечирган ва бир неча мустақил хонлар (Шиғайхон, Ҳақназархон ва бошқалар) бўлган.⁵⁰ XVII аср бошларида қозоқларнинг бир қисми жунғорлар таъсирига тушиб қолади. 1616 йилда Жунғор ўтовида бўлган рус элчилари Т.Петров ва И.Куницынларнинг хабар беришича, “қалмоқ ерларида ҳозирда қозоқ ўрдаси ва қирғиз ўрдаси қарамликда”⁵¹. Бу рус манбаларидаги қозоқ Жузлари ҳақидаги биринчи

⁵⁰ Ҳофиз Таниш.Бухорий.”Шарафномаи шоҳий”.Т2.Тошкент.1999.-Б320.

⁵¹ Чимитдоржиев Ш.Б, Взаимоотношения Монголий и Средней Азия в XVII-XVIII вв. 1979.-С 31.

ишончли маълумотлардир. XVII асрда қозоқларда ҳам марказлашган давлат йўқ эди ва улар жамоа-жамоа бўлиб тарқалиб яшарди.

Сиёсий тарқоқлик ва юртдаги бош-бошдоқликлар туфайли улар кучли ва босқинчи қўшнилариининг зарбаларига, босқинларига, талон-тарожига гирифтор бўларди. Шундай қўшнилardan бири жунғорлар эди.

Жунғор босқинчилариининг қозоқ ерларига ҳужуми XVI асрнинг биринчи ярмидан бошланган эди. XVII асрнинг биринчи ярмида жунғор ва қозоқлар ўртасида бир қанча жанглар бўлиб ўтди. Ойрот-жунғор ҳукмдори Ботур хунтайжи қозоқларга қарши катта жанглар олиб боради. 1635 йилда қозоқ хони Ишимхон билан жанг бориб, унинг ўғли Жаҳонгирни асир оладилар. 1643 йилда жанубий қозоқ ерларига ҳужум қилиб, Еттисувнинг катта қисмини босиб оладилар.

XVII асрнинг 40-йилларида Жаҳонгир ўзини хон деб эълон қилади ва ашаддий рақиблари бўлмиш жунғорларга қарши Бухоро хонлиги билан ҳамкорликда кураш олиб боради. У 20 минг бухороликлар қўшини билан Ботур хунтайжини чекинишга мажбур қилади.

XVII асрнинг 40-50-йиллардаги қозоқ-ойрот урушлари ойротларнинг ғалабаси билан якунланди. 50-йилларда Еттисувнинг шарқий қисми, юқори Иртиш ва Балхаш қўли оралиғидаги ерлар Ботур хунтайжи қўлига ўтди. 80-йиллар бошида у Шарқий Туркистонни эгаллаб, ўз давлати таркибига қўшиб олди. Или дарёси бўйи ўлкаси Галдан хон даврида Жунғор хонлиги таркибига киритилди.

Галдан даврида ойрот қўшинлари Жанубий Қозоғистоннинг йирик савдо марказлари (Сайрам, Тароз ва бошқа шаҳарлар) ва Қозоғистонни шарқий бозор билан боғловчи карвон йўллари ўтган асосий районларга қақшатқич зарбаларни бердилар.

1684 йилда Сайрамга муваффақиятли юриш қилган ойротлар қўшинига Галдан хоннинг жияни Цеван Рабтан бошчилик қилди. Цеван Рабтан юришлари даврида жунғор қўмондонлари жанубий Қозоғистон шаҳарларини

бирма-бир қўлга кирита бошладилар. Бу даврга келиб жунғорлар бой яйловларга эга бўлган Еттисув вилоятини тўла назорат қила бошладилар.

XVIII аср бошларида Қозоғистон ҳали ҳам парокандаликдан чиқиб кета олмаган эди. Қозоқ Жузлари ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар ниҳоятда кучсиз эди. Айниқса, Кичик ва Ўрта Жуз билан Катта Жуз ўртасидаги алоқалар яхши йўлга қўйилмаган эди. Мамлакатда ички низолар авж олган бўлиб, бу низоларни Бухоро, Хива ва ойрот феодаллари қўллаб қувватларди. XVIII аср 20-йилларида Ўрта Жуз хонлигида бир вақтда икки хон ҳукмронлик қиларди. Бундан ташқари Бароқ ва Абулмамбет султонларнинг мустақиллик учун курашлари авж олади.

XVII-XVIII аср чегараларида қозоқларнинг нафақат ойротлар билан алоқалари, балки руслар билан ҳам алоқалари ёмонлашган эди. 1700-1703 йилларда икки минг кишидан кўп қозоқ отрядлари Сибирдаги рус қишлоқларига ҳужум уюштирди.

XVIII аср бошларида қозоқлар Волгабўйи қалмоқлари, бошқирлар, Хива ва Қўқон хонлиги ва ниҳоят ойрот қўшинлари билан тўқнашдилар. 1721-1725 йилларда Бухорога рус элчиси бўлиб келган Флорио Беневени бу ерда афғонлар, хиваликлар, бухороликлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва қалмоқлар иштирокида доимий урушлар бўлиб турганини айтиб ўтади.⁵² XVIII аср бошларида Қозоқ хонликлари Ўрта Осиёдаги қўшни давлатлар тазйиқида қолди. Қозоқ ерлари учун тинимсиз босқинлар уюштирилди. Бир ёқдан жунғорлар, яна бошқа томондан Россия подшолиги тазйиқи кучайди. Бу босқинчилик қозоқ халқи бошига “Буюк мусибатлар” ни олиб келди.⁵³

Биринчидан: -Босқинчилик қилиб келган қўшни давлатларнинг босқини натижасида, шундоғам боши бирикмай ётган қозоқ қавмларини талон–тарож қилиб, иқтисодий қийинчиликка учратди ва уларнинг бирлашишини қийинлаштирди.

⁵² Чимитдоржиев Ш.Б. Взаимоотношения Монголий и Средней Азия. 1979. -С. 35.

⁵³ Вяткин М. Очерки Истории Казахской ССР. М.,Т1.1941.-С.64.

Иккинчидан: -Босқинчиликлар вақтида қон–қариндошлар бир-биридан айрилиб, қозоқларнинг чорва майдонлари топталди ва қозоқлар мушкул аҳволда қолди.

Учинчидан: -Бу босқинлар қозоқ халқининг маданий ривожланиш жараёнини кечиктирди. Бир жойда яшаб экин экиб, ўтроқ маданиятни ривожлантиришга имкон бермади, чунки тинимсиз урушлар натижасида, бир ерда яшашнинг иложи йўқ эди. Икки фронтда – Россия ва Жунғория билан курашишга қозоқларнинг кучи етмас эди. Шу сабабли улар руслар билан урушишини рад этиб, тинчлик ва савдо алоқалари ҳақида келиша бошладилар.

XVIII аср бошлари ойротлар ва қозоқлар ўртасидаги кенг курашлар билан характерланади. Қозоқ қўшинлари устида душманга кўп ҳолларда қақшатқич зарба бера олган Товкахон (1718 йилда вафот этган) турарди.

Шаксиз Жунғор хонлигининг ғарбий Мўғулистондаги қозоқлар билан боғлиқ сиёсатини фақат босқинчилик мақсадида олиб борарди. XVII- XVIII аср биринчи ярмида қозоқлар йўқотилган ерларни қайтариб олиш учун куролланиш сиёсатини олиб бордилар.

XVIII аср бошиларида қозоқлар учун ҳавfli вазият юзага келди. 1710 йилда Қорақумда ойротларга жиддий қаршилик қилиш мақсадида қозоқ Жузлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қарорига кўра, халқ ҳаракати ёрдамида душманни шарққа қувиб чиқаришга келишиб олинди. 1718 баҳорида йилда ойрот ва қозоқлар Аягуз дарёси бўйида тўқнашадилар. Бу жангда қозоқлар мағлубиятга учрайди. Енгилиш сабаби Қозоқ қўшинларининг қўмондонлари Абулхаир ва Ғоибхонларнинг ўзаро келиша олмаганлигида эди.

1715 йилдан навбатдаги Цинь – Жунғор урушлари бошланади. Лекин шундай бўлса ҳам, Церен Рабдан ғарбга бўлган тажоввузидан воз кечмади.

Жунғор хонлигининг қозоқларга қилган тажоввузига Россия томони бефарқ қарамади. 1721 йил 19 январдаги Россия императори Пётр I нинг кўрсатмасига биноан, агар ойротлар томонидан ҳарбий тажаввуз

уюштириладиган бўлса, Сибирь маъмурияти ойротлар билан барча алоқаларни узишини белгилаб қўйилди.

1723 йил баҳорида жунғорларнинг кўп сонли қўшини Қоратоғ орқали Талас водийсига хужум қилдилар. “Қозоғистон ССР тарихи” китобида ёзилишича, қозоқлар бу хужумни олдиндан сезиб, қиш фаслидаёқ қочишга ҳаракат қилганлар.⁵⁴

1724-1725 йилларда жунғорлар Тошкент ва Туркистонни эгалладилар. Қозоқлар жунғор қўшинлари тазйиқи остида жанубга, Ўрта Осиёнинг Эмба марказий вилоятларига қоча бошладилар. Минглаб қозоқ овуллари, Волга, Урал бўйларига, Орь ва Уйга қўчиб кетдилар.⁵⁵ Қозоқлар билан бирга XVII-XVIII аср 20-йилларигача Сирдарёнинг қуйи ва ўрта қисмида яшаган қорақалпоқлар ҳам қочдилар. Улар Кичик Жуз қозоқлари билан қисман қўшни бўлиб яшаганлар ва иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қозоқ хонларига қарам эдилар. Уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори қисмига, қолган қисми Орол денгизига қараб қочди.

Жунғор хонлиги 20-йилларда дахшатли фалокатлар олиб келди. Минглаб одамлар ўз ерларини ташлаб кетдилар. Ўн минглаб кишилар жунғорларга асир тушди. “Буюк фалокат” (“ақтабан шубрынды”) йиллари бошланди. Қозоқлар жунғорлар босиб олган ҳудудларни озод қилиш учун уч Жуз кучларини бирлаштиришга ҳаракат қила бошладилар. “Ақтабан шубрынды” йилларида чақирилган қозоқ ҳукмдорларининг буюк қурилтойида Кичик Жуз хони Абулхаирхон бирлашган қозоқ Жузлари ҳукмдори деб эълон қилинди. 1729 йили қозоқлар Балхашдан жанубда жойлашган Анракой деган жойда ойротлар устидан ғалаба қозондилар. Бунинг натижасида Кичик ва Катта Жуз ерлари озод қилинди. Ойротлар шарққа чекиндилар, уларнинг қўлида Катта Жуз ерлари сақланиб қолди.

⁵⁴ Истории Казахской ССР, А.-А., 1957.-С.234.

⁵⁵ Чимитдоржиев Ш.Б. Взаимоотношения Монголий и Средней Азия.-С.38.

XVIII асрнинг 20-30-йилларида жунғор босқинчиларининг тинимсиз хужуми натижасида Жуз хонларининг тинкаси қуриди. Кўп йиллик курашлар сабабли Жузларнинг кучи ватан озодлиги учун етарли бўлмай қолди. Қозок Жузлари раҳбарлари жунғорларга қарши курашда ягона нажот йўли сифатида Россия билан яқинлашиш ножати бўлса ҳукмронлигини тан олиш керак деган фикрга келдилар. Кичик Жуз хони Абулхайр 1731 йилда Россия фуқаролигига қабул қилинишини сўраб императрицага мурожаат қилди. 1733 йилда Кичик Жуз, 1740 йилда Семека қўл остидаги Ўрта Жуз хонликлари Россия фуқаролигига қабул қилинди.

1739 йилда Жунғор хони Галдан Церен ғарбга йўналган янги ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик кўра бошлади. 1740 йил 11 декабрда ҳарбий кўмондон Септен бошчилигидаги 20 минг қўшин Ямишек қалъаси томон ҳаракатлана бошлади. Қалъа бошлиғи Т.Зорин бу ҳақда Тоболскдаги рус ҳукуматига маълумот бергач, Септен йўналишни ўзгартириб Барабин чўли томон ҳаракатланади. 1741 йил баҳорида Септен катта ўлжа: кўплаб чорва моллари ва 3000 минг асир билан ортга қайтди. 1742 йил баҳорида ойротлар Сирдарё бўйлаб юриш бошладилар. Тошкент ва Туркистон қайта эгалланди. Лашкарбоши Сари-Манжининг Самарқандни олишга бўлган интилиши амалга ошмади.⁵⁶

1741-1742 йиллардаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида Ўрта Ўрданинг катта қисми ва аҳолисининг кўпчилиги қисми жунғорлар қўлига ўтди, Султон Аблай асир олинди, султон Бароқ ва Ботир ғолиблар олдига келиб, ўз омонатлари билан бирга товон ҳам тўладилар. Абулмамат ўз атрофидагилар билан бирга бўйсиниб, ўз ўғлини гаровга топширди ва катта миқдорда товон тўлади.

1745 йилда Хўжанд ҳокими Абдулкаримбек Сирдарё райониغا юриш қилиб, Тошкент ва Туркистондан жунғорларни қувиб чиқарди.

1745 йил сентябрда Галдан Царен вафот этди. Ундан кейин унинг ўғли Цеван Доржи Намжил уч йил мамлакатни бошқарди. 1749 йил Лама Доржи

⁵⁶ Муқанов.М.С. Этнический состав и расселение казахов Среднего жуза.Алма-ата,1974.-С.5-28.

тахтга чиқди. Галдан Цереннинг жияни Давази ва хойт беги Амарсана Лама Доржига қарши тахт учун кураш олиб бордилар. Улар қозоқ чўлларига қочиб султон Аблай паноҳига ўтдилар. Аблай ўз қизини Амарсанага турмушга беради. Уларга кенг имкониятлар очиб берадилар.

1752 йили Давази Амарсана ва бошқа хойт беклари ёрдамида тахтни эгаллаб, Лама Доржини тахтдан ағдариб ташлади. 1753 йилда эса Амарсана ва қозоқ султони Аблай ёрдамида хон ҳукуматига қарши чиқиб, Жунғор хонлигининг ярмини ўз қўлига олган Нэмхэжаргала устидан ғалаба қозонди.

Шу вақтда жунғорларга қарши манжурларнинг кенг қўламдаги ҳарбий ҳаракати бошланди. 1756 йилда ойротлар ва қозоқларнинг бирлашган қўшини Цинь армиясига бир қанча кучли зарбаларни берди. Бироқ бу узоққа чўзилмади, сўнгги жунғор ҳимоячиси Амарсана 1757 йил 21 сентябрда Тобольск шаҳрида вафот этди. Шундай қилиб, Жунғорларнинг қозоқ Жузларига бўлган тазийқи, XVIII асрда айниқса, ўзининг юқори нуқтасига етиб борди ва бу халқлар бошига мислсиз кулфатларни ёғдирди. Охиروқибатда мана шу урушлар бу икки қўшни давлатлар иқтисодиётининг издан чиқишига ва халқни саргардонликларга дучор қилди. Бу мусибатлар тарихда “Ақтабан шубырынды деб ном қолдирди.

II.3. Ўрта ва Кичик Қозоқ Жузларининг Қўқон, Хива ва Бухоро хонликлари билан ўзаро сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлари

XVII-XVIII асрларда Қўқон хонлигининг чегаралари кенгайиб, Орол денгизигача етган ва Жанубий Қозоқ чўлларини ўз ичига олган эди. Шарқда бу чегаралар Пишпак ва Қоракул шаҳарлари ҳудудида Шарқий Туркистонга яқинлашган эди.

1827 йилнинг январь ойида Қозоқларнинг Ўрта Жуз султони Матий Муҳаммадғалиев Оренбургга келиб, Қўқон ва Хива ҳукмдорлари зулмидан шикоят қилган. Унинг сўзлари бўйича, бу ўзбек хонликлари Оқ масжид ва

Қоракулёнларида ҳарбий истехкомлар қуриб, солиқ талаб қилар ва савдо йўллари тўсар эканлар.⁵⁷

Қўқон хони Муҳаммад Али Россиядан ҳомийлик сўраб, қўқонликларга «Қирғиз-қайсоқлар талон-тарожларига» ва бошқа ҳудудий тортишувларни тўхтатишда ёрдам беришини илтимос қилган.

Қўқон хонлигининг Қозоқ уруғ-аймоқ ва қабилаларига нисбатан таъсирининг кенгайиши Россия ҳукмрон доираларини безовта қилар эди, чунки, улар қозоқ хонликларини ўз тобелари деб ҳисоблар едилар.

Қўқон хони кучайган сари қозоқ даштларига эга бўлиш масаласи бажарилиши мумкин бўлиб қолди. Қўқон қўшинларининг доимий ҳарбий юришлари ва ўзаро можаролар натижасида жуда кўп харажатлар ва фалокатлар рўй бериб аҳолидан барча йўл билан боғлиқ бўлган харажатлар олинар эди. Шу сабабли ички зиддиятларни суллаштириш ва хонликнинг ва хонликнинг хўжалик кучларини тиклаш мақсадида қозоқ кўчманчи манзилларини босиб олиш ва хон хазинасига закот тўлашга мажбур қилиш мақсадлари пайдо бўлган эди. XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигининг жуда оғир, солиқ зулмига қарши Қозоғистонда кўчманчи қабилалар кўзгалонлари рўй берди.⁵⁸ Тошкент ҳокими Мирза Аҳмад куш пули ва қўқ пулини талаб қилиб, ҳатто ёш болаларни сотишга мажбур қилар эди.⁵⁹

Дашти Қипчоқ ҳудудлари Туркистон чегараларигача кўзгалон ва тўс-тўпалонларга чулғанди. Бундай аҳволдан фойдаланиб, Россия Марказий Осиёнинг ичига ҳарбий йўл билан бостириб киришини фаоллаштирди.

Шу борада Россия-Қўқон муносабатларида рақобатчилик мавжуд бўлсада, Россиянинг савдо-сотик манфаатлари ҳарбий ҳаракатларни бошлашга вақтинча тўсик бўлиб турди.

XVIII асрдан бошлаб Россия Қозоқ хонларини тўғридан-тўғри тайинлай бошлади ва XIX асрнинг 20-йилларида Қозоғистон кўчманчиларини бошқаришга ўтди.

⁵⁷ Гулямов Х.О восстаниях казахов. 1976.-С.278.

⁵⁸ Набиев С.История Кукандского ханства.1967.С.45.

⁵⁹ Халфин.Н.А.Россия и ханства Средней Азии.М.,1974-С.78.

Хива савдогарлари ва сиёсий арбобларининг диққатини Россия билан савдо алоқаларини кенгайтириш муаммолари азал-азалдан ўзига жалб этган.

Аммо Оренбург ва Троицк қалъасига савдо молларини олиб бориш учун Хива савдогарлари қозоқ Жузлари ерларидан ўтиб боришда ниҳоятда катта тўсқинлик ва хавф-хатарга дуч келганлар. Ўзбошимча ва тийиқсиз қозоқ Жузликларининг жангарилари карвонларга ҳужум қилар, молларни талон-тарож қилар ва ҳатто савдогарларни ўлдираар эдилар. Бу аҳвол XVIII асрда Россия Кичик ва Ўрта қозоқ Жузлари устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатгунча давом этди.

Хива хонлигининг ҳарбий-феодал ҳукмдорлари қозоқларни ўзига бўйсундириб, асосий рақиби бўлган. Бухоро хонлигига зарар етказишга уринар эдилар, шу мақсадда улар турли қозоқ уруғ-аймоқ ва қабилаларини бир-бирига гиж-гижлатиб, Бухоро хонлигининг савдо йўлларини эгаллашга ҳаракат қилар эдилар.

Марказий Осиё ва қозоқ хонликлари жуда яқин ва турли-туман алоқа ва муносабатлар орқали ривожланиб келган. Ҳарбий можаролар иқтисодий ва ҳўжалик ҳамкорлик босқичлари билан алмашилиб турган. Гоҳо-гоҳо сулолавий никоҳлар қурилиши кўзатилиб турган.

Қозоқ хонликларида шаҳарлар бўлмагани шу хонликларнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир қилган. Қозоғистон ва Марказий Осиё халқларининг ўзаро муносабатлари азалий тарихга эга. Бу муносабатлар ташқи сиёсатда ва ўзаро савдо алмашувларда ифодаланган. XII асрда Буюк Ипак йўли доирасига кирган ва Хитойдан ғарб мамлакатларига Етти дарё ва жанубий Қозоғистон ҳамда Марказий Осиё хонликлари ҳудудларидан ўтган савдо алоқалари Қўқон, Бухоро ва Хива орқали олиб борилган ва тўхтовсиз урушларга қарамай доимо давом этган.

Марказий Осиё ва Қозоқ хонларининг иқтисодий ҳаётида чорвачилик муҳим ўрин эгаллаган, айниқса яйлов чорвачилиги кенг ривожланган. Чорвачилик билан дашт ва этакларининг кенг ҳудудларида кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли шуғулланган. Чорвачилик маҳсулотлари, зироатчилик

воҳалари аҳолисига ва шаҳар хунармандлари маҳсулотларига айрибошлар ёки сотилар эди.Бунинг эвазига кўчманчи аҳоли саноат молларини ва деҳқончилик маҳсулотларини харид қилар эди.

Марказий Осиё хонликлари ўз атрофларидаги ҳудудлар қозок дашти,Россия ва қўшни шарқ давлатлари билан қарвон савдосини ривожлантириш ва кенгайтиришга ҳаракат қилган,чунки буни хонликларнинг иқтисодий эҳтиёжлари талаб қилар эди.

Бухоро хонлиги Қозоғистон билан иқтисодий алоқалар юритиб ўзига қарвон чорвачилик маҳсулотлари –гўшт,жун,тери сотиб олиб қўчманчиларга деҳқончилик ва хунармандчилик маҳсулотларини ўтказар эди.

XVIII асрда Оренбург ва Сибирь истеҳком чизиклари орқали мол алмашиш сезиларли ривожланган пайтда қозоклар Бухорога ҳар йили 700 мингдан ортиқ қўй ,катта миқдорда от ва қора мол ҳайдаб келар эдилар.⁶⁰.

1795 йилда Бухорода тўққизта икки қаватли қарвонсарой мавжуд бўлган.

Хива хонлигида қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи деҳқончилик бўлиб,бу ерларда ,буғдой,жўхори,шоли,мош,тариқ,арпа ва бошқа экинлар,мойли экинлар-қўнжот,зиғир,техник ўсимликлар-пахта,руян,тамаки,беда бундан ташқари полизчилик ва боғдорчилик ривожланган эди.

Саёҳатчи Вамбери Хива мевалари ,айниқса Хоразм олмалари,Хива нок ва анорларини ва қовунларини жуда мақтаб ёзади.⁶¹.Унинг таъкидлашича ,бир арава Урганч қовунларига Россияда бир арава шакар берилган.

Хунармандчилик соҳасида асосан газламачилик ва гилам тўқиш ривожланган эди.

Қозок хонликлари асосан қарвон билан савдо қилар эдилар.Моллар Марказий Осиё орқали Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга ҳайдаб олиб

⁶⁰ Чехович.О.Д. К истории Узбекистана вXVIII веке.Труда института ВостоковеденияАНУзССР випIII.Ташкент.1954-С.45.

⁶¹ Вамбери .А.Путешествие по Средней Азии.СПБ.1865-С.34.

борилар эди.Ҳиндистонда қозоқ отларининг аксарияти Бухоро орқали юборилар эди, қозоқ ўлкаларининг зотли отлари ниҳоятда юқори нархда баҳоланар эди.

Қозоқ савдогарлари Марказий Осиё ва Хитой орасидаги Ясси орқали Туркистон йўлидан ўз молларини олиб борганлар.Қўқон ҳукмдорлари қозоқ Жузлари Россиянингсиёсий таъсири доирасига кира бошлагани сари ушбу ҳудудда юз бераётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб турар эдилар,чунки бу Россия империясининг Қўқон хонлиги ички ишларига аралашishi хабарини олиб келар эди.

Келиб чиқиши ,ҳаёт тарзи ва тилнинг бирлиги,ягона ислом дини ҳамда хилма-хил сиёсий, иқтисодий ва бошқа алоқалар Қўқон хонлигига чўлдаги аҳвол ривожланишига таъсир ўтказиш учун бир неча имконият ва усуллар берар эди.Қўқон хонлиги қозоқ Жузларининг энг муҳим ҳамкор ва шерикларидан бири бўлиб, унинг бозорларида қозоқлар ўз чорваларининг асосий қисмини сотар ва зарур товарлар, яъни деҳқончилик ва хунармандчилик маҳсулотларини, сотиб олар эдилар.Қўқон холиги қозоқ дашти аҳолисига мулла ва рухонийлар орқали фаол таъсир этиш имкониятларига эга бўлганлар,чунки қозоқ Жузларидаги муллаларнинг кўпчилиги Қўқондан бўлган, ёки Қўқон мадрасасини битирган эди.Бундан шундай табиий ҳулоса келиб чиқадики,улар Қўқон хонлиги сиёсатига мослар ва шу сиёсатни ўтказувчилар бўлган эдилар.Кўпгина форс ва турк тилидаги қўлёзмаларда ёзишича, масалан :-“Шарфномаи шоҳи”,”Тарихи Оламарои Аббосий”,”Баҳрул-Асрор” ва бошқалар асосида қозоқ хонликлари ташқи сиёсатидаги халқаро муносабатлар,шартномалар,битимлар, сулолавий никоҳлар, музокаралар, элчилик фаолиятлари ва бошқа воқеаларни таҳлил этиш мумкин. Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул Иқбол” асарида қозоқ султонлари сулолаларининг намояндалари Хива хонлигининг сиёсий ҳаётида кенг қатнашгани акс эттирилган.

Қозоқ хонликларида кўчманчи аҳоли ўз ёзувига эга бўлмаганликлари сабабли уларнинг маданий дунё қарашлари оғзаки халқ ижоди ва ривоят эртакларига асосланган тарихшуносликка таянган эди.

Шунинг учун Марказий Осиё хонликлари ҳудудларидаги шаҳар ва воҳаларда азалдан ривожланган маданий ҳаёт, араб ёзуви, шоир ва алломалар ижодий ва тарихий, адабий қўлёзмалар, вақф ҳужжатлари давлатни бошқариш усул ва анъаналари қозоқ хонликларининг турмуш тарзи ва маданиятига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган.

Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг айтишича, ”Қадимги Византиянинг тарихи, маданияти ва диний мафкуриси Рус давлатига қанча таъсир кўрсатган бўлса, Марказий Осиёнинг шу соҳалардаги қозоқ ва қирғиз халқларига кўрсатган таъсири ундан қолишмаган.

Қозоқ хонликларининг кўшни Марказий Осиё хонликлари билан боғлиқ бўлган тарихий-маданий алоқалари турли шаклларга эга бўлган. Марказий Осиё Қозоғистон хонликларига мафкуравий ва диний соҳаларда ҳам ниҳоятда катта таъсир кўрсатган, айниқса у кўшни халқлар орасида ислом динининг тарқатишда катта роль ўйнаган. Тарихий қўлёзмаларда қозоқлар орасида Ўрта Осиё сўфилари ва шайхларининг фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган. Бир қатор агиографик, яъни авлиё-анбиолар тўғрисидаги асарларда Хўжа Исоқнинг миссионерлик фаолияти ёритилган. У қозоқлар орасида Нақшбандий тариқати таълимини фаол равишда тарғиб этган.

1512 йилда машҳур жўйбор шайхи Ислон Бобур ва Қизилбошлардан қочиб, қозоқ хони Қосимхон ҳузурига борган. Муҳаммад Авазнинг “Зийфа ал кулуб” асарида сўфий пирлари ўз диний ақидаларини кўчманчи қозоқлар орасида тарғиб қилиб, уларни ўз муридлари сафига қўшимча ҳаракат қилганлари ҳақида маълумот беради.⁶²

Қозоқ хонликларига ислом динини олиб кириш мафкуравий асосда уларнинг Марказий Осиё диний ва дунёвий намояндалари билан бўлган

⁶² Юдин В.П. Известия, Зийа ал кулуб Муҳаммад Аваза о қазақх XVI века. Алма-ата. 1966-С. 78.

алоқаларини мустаҳкамлаган.Қозоқлар Бухорога бориб ва уни “Ислом маркази” деб зиёрат қилар эдилар.Хоразмлик Ўтемик Хўжанинг туркий асари “Чингиз-наме” қозоқлар ва Марказий Осиё хонликлари тўғрисида муҳим маълумотлар беради.

Марказий Осиё ва қозоқ хонликлари ўртасидаги турли хил кўринишларга эга бўлган, ўзаро дипломатик, ҳарбий ва иқтисодий-ижтимоий алоқаларнинг тарихи узоқ даврлардан бери ривожланиб келган.Илк даврларда мол айрибошлаш шаклида бошланган икки томон муносабатлари, тарихий тараққиёт натижасида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий ва маданий турларга боғланиб,ушбу давлатлар ривожланишида доимо муҳим аҳамият касб этган.

Марказий Осиё хонликларининг пайдо бўлиши, ривожланиши,уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар кўпгина қўлёзмалар,тарихий ва бадиий адабиёт ва Ўзбекистон , чет эллик олимлар тадқиқотларида ёритилган.Шу маълумотларга асосланиб Хива,Қўқон ва Бухоро хонликларининг қўшни қозоқ хонликлари билан ўзаро турли муносабатлари кўриб чиқилди.Бу муносабатлар ҳарбий,сиёсий,савдо-сотик,иқтисодий- хўжалик ,диний ва маданий нуқтаи-назаридан кузатилиб ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Марказий Осиё хонликларининг ҳудудларидан, Хитойдан, ғарбий ва шимолий давлатларга ўтган Буюк Ипак йўли қозоқ хонликларидаги аҳоли билан савдо алоқаларини ривожлантирган.Давлатлар ўртасида доим бўлиб турган можаро ,тортишув ва сиёсий урушларга қарамай ,шу алоқалар гоҳ пасайиб,гоҳ жонланиб келган.Хива,Бухоро ва Қўқон хонликлари Дашти Қипчоқ хонликларидан овчилик, чорва,от ва чорвадорлик маҳсулотларини харид қилган.Ўз шаҳарларига эга бўлмаган кўчманчи қозоқ аҳолиси қўшни воҳа ва шаҳарлардан деҳқончилик,хўжалик ва ҳунармандчилик молларини сотиб олган.Туркистон шаҳарларида ўтроқ ва чорвадор аҳоли ўртасидаги савдо дастлабки вақтларда мол айрибошлаш усули орқали амалга оширилиб,кейинчалик бу жараён пул воситасида олиб борилган.

Марказий Осиё хонликлари ва қозоқ хонликлари билан савдодан ташқари диний ва маданий муносабатларда бўлиб,дашт юртига ислом динини олиб киришда муҳим роль ўйнаган.

Қозоқ хонликларида Нақшбандий тариқати намояндалари Қўқон ва Бухородан келган,ёки шу шаҳарларда таълим олган шайх ва сўфийлар фаолият қилган.Маданият соҳасида ҳам хонликлар турли ўзаро муносабатларга эга бўлиб, бир-бирига сезиларли таъсир кўрсатган.Марказий Осиё ва қозоқ хонликларининг ўтмишдаги кенг қиррали муносабатларини ўрганиб, тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикасининг давлатчилиги тарихини янада чуқурроқ ўрганишга ва ёритишга ёрдам беради.

III . Боб.Ўрта ва Кичик қозоқ Жузларининг тугатилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.

III.1.Қозоқ-рус муносабатлари ва қозоқ Жузларининг Россия таркибига киритилиши.

Россияда ишлаб чиқариш кучларининг ва ҳунармандчиликнинг кескин ривожланиши, мамлакатнинг турли ҳудудлари ўртасидаги савдо алоқаларининг кучайиши ҳамда ягона бутунроссия бозорининг вужудга келиши Россия ҳукуматига бир қатор ташқи сиёсий тадбирларни амалга оширишга туртки берди. Сибирни тўлиқ ўзлаштириш, шарқ давлатлари билан савдо алоқаларини жонлантириш йўлида бепоён Қозоғистон чўллари Россия режаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга эди.

Чунки, Европадан шарқ мамлакатларига Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон,Хитойга ўтадиган савдо йўлларининг барчаси Қозоғистон чўллари орқали ўтар эди.Рус подшоси Пётр I биринчилардан бўлибқолок Қозоғистон ва Ўрта Осиё хонликларининг Россияга қўшиб олиниши Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Туркия каби йирик давлатлар билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етди.⁶³Россиянинг Ўрта Осиё ишларига биринчи аралашуви Хива хони Шохниёзнинг элчиси 1700 йили Пётр Iга Хивани Россияга қўшиб олиш тўғрисидаги илтимосини олиб келиши туртки бўлди. ПётрI махсус фармон билан 1700 йил 30 июнда бу илтимосни қондирди.

Орадан уч йил ўтгач Шохниёзнинг ўғли тахт вориси Араб Муҳаммад томонидан такрорий хат жўнатилди ва рус подшоси унинг ҳам илтимосини қабул қилди.Россия бу пайтда Шветция билан бўлаётган шимолий урушда банд эди ва бундай қулай имкониятдан фойдалана олмади.Россия томонидан Ўрта Осиёга йўл бир неча йўналишларда – Каспий орқали, Марказий Қозоғистон ва Сибирь орқали бошланди. 1713 йил Катта Сибирь

⁶³ Валиханов Ч.Ч. История Казахской СССР Древнейших времен до наших дней.Т5.1979.-С25.

губернатори М.П. Гагарин Пётр I га Иртиш дарёси бўйлаб бир неча қалалар куриш лозимлигини ва Жунғория бўйлаб мустаҳкамланган чегара зонасини ташкил этиш ҳақида ахборот берди. 1715 йил И.Д.Бухголец бошчилигида то Ёркентгача бориш мўлжалланган катта экспедиция жўнатилади. Шу йиллари Россия ҳукумати билан Жунғор хунтайжилари ўртасида бир неча музокаралар территория ҳақида ҳамда Сибирда савдо-сотиқни ривожлантириш масаласида эди. Лекин И.Бухголец экспедицияси муваффақиятсизликка учради. 1716 йил февраль ойида экспедиция Церен Дондоб қўмондонлигидаги 10 минг кишилиқ жунғор қўшинлари ҳужумига учради. 4500 кишидан 700 киши тирик қолиб орқага қайтдилар. Муваффақиятсизликка қарамай рус ҳукумати бу йўналишда дадил ҳаракатлар олиб бориб Омск, Семипалатинск, Уст-к-Каменгорск каби ҳарбий қалъалар бунёд этдилар⁶⁴. Рус-қозоқ алоқаларининг кучайиши сабаби Пётр I ҳукумати Шарққа нисбатан олиб бораётган сиёсатини амалга ошириш учун қозоқ чўлларига катта эътибор қаратди. У айниқса шарқий қанотни мустаҳкамлаш учун Каспий денгизи атрофларини эгаллаб мустаҳкам истехкомлар куришга киришди.

XVIII асрнинг 20 -йилларидан Пётр I ҳукуматининг Ўрта Осиёдаги ва қозоқ хонликларидаги сиёсати дипломатик йўл билан кечди. Россия бу қўшниларига нисбатан ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кучли бўлишига қарамай, уларни бирданига босиб олиш учун кучи етмаслигини тушуниб етди.

Шунинг учун бу жараёни босқичма-босқич, дипломатик йўл билан амалга оширишга мажбур бўлди. Чор ҳукумати Ўрта Осиё ва қозоғистон билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда у ерларнинг ҳукмдорлигини бир бирига гиж-гижлар эди.⁶⁵

Шунинг учун ҳам Россия ҳукумати Ўрта Осиё хонликларини осон бўйсундириш учун, босқичма-босқич қозоқ Жузларини ўз фуқароларига

⁶⁴ Алексенко Н.В. Русская колонизация Рудного Алтая в XVIII-XIX вв. Л., 1961 - С. 5.

⁶⁵ Шепелёв. А. Очерк военных и дипломатических отношений России со средней Азией до начала XIX столетия. - "Средняя Азия". Алманах. Научно-литературный сборник. Ташкент, 1895. - С. 15.

олиб, улар ерида мустаҳкам баъза ва қалъалар барпо этиб, узоқ йилларга мўжалланган режа ишлаб чиқди.

XVIII аср бошларидаги жунгор босқини оқибатлари, ҳали ҳам мавжуд эди, неча йиллар давом этиб келаётган кўчманчилик манзиллари барбод бўлган эди. Қозок халқларининг ночор аҳволи, унинг Россия фукоролигига ўтиши зарурати ҳақида машхур қозок ботири Букенбой 1748 йил Орск қалъасида А.Тевкелов билан булган суҳбатида айтган эди. Бундан ташқари Россия фукороларига ўтиб у билан савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамда Ёйик ва Иртиш атрофларидан яйловлар олишни орзу қилар эдилар.

XVIII аср бошидаги Россиянинг шарқий Сибир ва Жунғориядаги фаол дипломатик ва ҳарбий фаолияти қозок-рус алоқаларининг ҳам фаоллашувига олиб келди. Чунки бу сиёсат Жунғорияни қозок Жузларига янги босқин уюштиришдек ҳавфдан сақлаб сақлаб қолишга хизмат қилди.

XVIII асрдаги биринчи қозок элчиси Тайкамур Култибоев 1715 йил сентябрда Уфада қозок-бошқирд муносабатларни ойдинлаштириш учун юборилди. Бу келишув Абдулхаирхоннинг бошқирд ерларига босқини пайтига тўғри келиб қолиши учун элчилар анча вақт Уфада ушланиб қолди.

Рус дипломатияси ҳам рус-қозок⁶⁶ муносабатларининг яхшилаш учун аниқ тартибларни амалга ошира бошлади. Масалан Сибирь губернатори кўзоқ хонлари ва Ўрта Осиё хонликлари билан савдони ривожлантиришга қарор қилди. "Хон Қаип ва унинг халқи" номидан юборилган, Бекпўлат, Екешев ва Бойдаулет Бўриев бошчилигидаги элчилар 1716 йил сентябрда ва уларга жавобан 1716 йил октябрь ойида Б.Брянцев бошчилигида юборилган рус элчилари ҳамда 1718 йил октябрь ойида Шабу ва Баҳодир бошчилигидаги элчиларнинг сай-ҳаракатлари рус-қозок муносабатларининг яхшиланишига олиб келди.

Жунғорияга қарши биргаликда ҳаракат олиб бориш учун шартнома тузиш имконияти юзага келди. Қозоклар Ишим зонасида эркин савдо қилиш ҳукукини олдилар. Қозок хонига 1717 йил баҳорида қозок маъмурияти

⁶⁶ История Казахской ССР Древнейших времен до наших дней .Т5.1979.-С. 34.

томонидан юборилган номада ҳам савдо учун қозоқларга кенг имкониятлар берилиши уқитириб ўтилган, лекин Қозон губернаторининг мактубида қозоқ Жузларининг Россияга содиқ эканлигини тасдиқловчи ҳужжат юбориш кераклиги таъкидланган эди. Бу афтидан қозоқ хонларига ёқмаган ва шунинг учун хон Қаип рус элчиларини турли боҳоналар билан 1718 йил охиригача ушлаб турган. Бундан ташқари 1717-1718 қозоқ-қорақалпоқ аралаш ўтрядлари собиқ Россия фуқароси татар Сеит ва унинг қариндоши Абдурахмон Таукин бошчилигида Қозон уездига босқин уюштирганликлари сабаб то 1718 йил охиригача қозоқ савдогарлари рус ерларига юборилмаган.

Пётр I вафотидан кейин Россиянинг қозоқ хонликлари ва Ўрта Осиё билан алоқалари вақтинчалик бўшашди. Бу қозоқ хонликларига қилган ҳужуми ва “Буюк мусибат йилларига” ҳам боғлиқ эди.

Қозоқ Жузларида XVIII асрнинг 20-23 йилларида ғоят таҳликали вазият вужудга келди.

Энди рус-қозоқ алоқаларининг ривожлантиришнинг янги босқичига ўтиш учун шароит вужудга келди. Бунда ҳар икки томон манфаатдор эди.

Иктисодий қолоқликни, феодал тарқоқликни бошидан кечираётган қозоқ Жузлари учун сиёсий муаммо жунғория куллигига тушиш хавфи пайдо бўлди. Узоқни кўра олувчи айрим қозоқ ҳукмдорлари халқни қутқаришнинг ягона йўли Россия фуқароларини қабул қилиш эканлигини тушиндилар.

Кичик Жузнинг Россия таркибига қўшилишида кичик Жуз хони Абдулхаир катта роль ўйнади. 1725 йил Петербургга қозоқ-қорақалпоқ элчилари юборилиб, улар хон номидан ҳар қандай душманга қарши ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор этдилар. Бунга жавобан 1726 йил Рҳ рус элчиси Мулла Мақсуд Юнусов Абулхаир билан учрашди. Бу учрашув чоғида кичик Жуз қозоқларининг Россия фуқаролигига ўтиш орқали жунғорлар босиб олган ерларни қайтариб олиш мумкинлигини фаҳмлаб етди.⁶⁷ 1730 йил 8 сентябрь куни Уфага Абулхаирхоннинг Саитқул Қўйдагулов ва Қутлумбет Коштаев бошчилигидаги элчилари келишди. Улар хоннинг

⁶⁷ Ўша асар. -С. 35.

император Анна Ивановнага мурожатини топширишди. Бу хатда хон кичик Жузни Россия таркибига қўшиб олишини илтимос қилган эди. ”Биз Абулхир хон , -дейилган эди хатда, -менга тобе кўп сонли Ўрта ва Кичик Жуз аҳолиси билан сизга таъзим қиламиз “ сизнинг ҳомийлигингизни истаймиз. Абулхаир ўз номасида қозоқ-бошқирд муаммоларига эътибор қаратди. Чунки бу қарама-қаршилиқ икки томонга ҳам зарар етказаётган эди. Шундай қилиб, Россия фуқаролигига ўтишни тезлаштирган қозоқ ҳукмдорлари қудратли Россияга суяниб жунғорияга қарши курашга, рус-қозоқ савдо алоқаларини кенгайтиришга ва Волга ҳамда Ёйиқ оралиғидаги яйловлардан фойдаланишга умид қилган эдилар. Абулхаирхоннинг бу ҳаракати унга рақиб бўлган бошқа қозоқ хонларига ёқмади албатта. Улар ҳам ўз навбатида Россия орқали ўз шахсий обрўлари ва қудратини оширмоқчи эдилар.⁶⁸

1731 йил 19 февралда император хоним Анна Ивановна махсус ёрлик чиқариб Абулхаир ва қозоқларнинг рус фуқороларига ихтиёрий қўшиб олинганлиги эълон қилинди.

1731 йил 30 апрелда қозоқ чўлига махсус элчилар жунатилди. Бош элчи А.И.Тевкелев бошчилигидаги бу миссия қозоқ халқининг Россия таркибига ихтиёрий қўшилганлигини юридик томондан тасдиқланган халқаро-ҳуқуқий акт билан таништирди. Ҳужжатда Абулхаир барча аҳолиси билан рус вассаллигига олинганлиги қўйидаги пунктларда акс эттирилган:

Биринчидан, император жанобларига чин дилдан хизмат қиласиз ва ясоқ солиғини тўлайсиз,

Иккинчидан, руслар томонидан сизлар ҳафа ва талон-тарож қилинмайсиз;

Учинчидан, Сизларга ҳеч қандай душман ҳужум қилмайди;

Тўртинчидан, сизлардан олинган асирларни бошқирдлар ва руслар қайтаради, шу ўринда сизлар қўлга олган русларни қайтарасиз ва бошқирдлар ва қалмиқлар билан дўстона яшайсизлар

⁶⁸ Казахско-русские отношения XVI-XVIII (Сборник документов и материалов). Алма-ата, 1961-С. 49.

Бу воқеа рус дипломатиясининг XVIII асрдаги энг йирик ютуқларидан бири бўлди. Элчи А.И.Тевкелевга берилган йўриқнома бўйича Абулхайрхонни ва бошқа хукмдорликни Россия фуқаролигини олганлиги бўйича қасамёд қилиши лозим эди. Шунинг учун элчи Тевкеловга чекланмаган ҳуқуқлар берилган бўлиб, у вазиятга қараб мустақил қарорлар чиқариш мумкин эди. У ўша давр қондасига кўра хонлардан ўз содиқлигини қафолатловчи омонатлар ҳам олиши мумкин эди. Деярли икки ой йўл юрган Тевкелов элчилари 1731 йил 4 июлда Уфа шахрига етиб келдилар. Элчи ихтиёрига бир неча бошқирд оқсоқоллар, 60 кишилиқ ҳамроҳ кўриқчилар, 200 от, 612 туя берилди. 1731 йил 7 июлда Тевкелев хузурига бошқирд Алдарбой таниқли қозоқ уламиси Хожа Муҳаммад билан келди. Улар рус элчисига Абулхайрхон мулозимлари билан уларни Тўрғай ва Иргиз дарёлари оралиғида кутиб туришини айтди. Бу ўша пайтда Уфадан икки ҳафталик йўл эди.⁶⁹ 1731 йил 5 октябрда Тевкелев кўриқчилари ва 200 қозоқ ҳамроҳлигида Абулхайрхоннинг Иргиз дарёси бўйидаги қароргоҳига ташриф буюрди. Кичик Жуз қозоқларининг рус фуқаролигига ўтишга таниқли ботир Букенбой муҳим роль ўйнади.

1731 йил 10 октябр Тевкелевни қозоқ аскарларининг йиғилишига таклиф этишди. Бу ерда Абдулхайр, Букенбой, Иссет унинг укаси Мирзо Худойназар, улар ортидан яна 27 та таниқли қозоқ феодаллари кичик Жузнинг ихтиёрий равишда Россия таркибига қўшилганлиги ҳақидаги юридик шартномага имзо чекдилар. 1731 йил Ўрта Жуз хони Семеке элчининг таклифини олиб, Россияга содиқлиги ҳақида қасамёд қилди. Ва элчилар орқали Масквга Ўрта Жуз ясоқларини жўнатишга вада берди.

1732 йил 23 ноябрда Абулхайрхон Тевкелев хузурига келди. У Россияга садоқат рамзи сифатида иккинчи ўғли Султон Эралини, набираси султон Ниёзни гаров тариқасида беришга рози бўлди ва рус ҳукуматининг барча фармонларини сўзсиз бажаришга вада берди. 1734 йил 10 февралда Абулхайрнинг ўғли Султон Эрали Петербургда император хоним Анна

⁶⁹ Сулейманов.Б.С, Басин.В.Я. XVIII на начале XX века. 1981-С. 41.

Ивановна томонидан тантанали кутиб олинди.Эрали Султон ўз сўзида “Қозоқ халқи буюк шарафга, яъни Россия фуқаролигига абадий қабул қилинганлигини айтиб ўтди”⁷⁰

Шундай қилиб А.И. Тевкелевнинг элчилик миссияси рус – қозоқ муносабатларининг кенг ривожланишида хал қилувчи роль ўйнади.Тевкелев миссиясининг Кичик Жузга келганини эшитган Катта Жузнинг айрим ҳукмдорлари ҳам Россия фуқаролигига ўтишга ҳаракат қила бошладилар.

XVIII асрнинг 30-йилларида жузгорлар яна қозоқларга, айниқса Ўрта Жуз қозоқларига таҳдид сола бошлашган. Бундай вазиятда Ўрта Жуз қозоқларининг 1734 йил 10 июнда рус вассаллигига ўтиши ҳақидаги Анна Ивановнанинг фармонини асосли деб ҳисоблаш мумкин. Аммо Ўрта Жуз анча мустақил эди. Семека (Шахмуҳаммад) хоннинг ўлиmidан сўнг Анна Ивановнанинг фармони Ўрта қозоқ Жузларига етиб келтирилмаган. Ўрта Жуз қозоқлар 1822 йилдаги М.Сперанскийнинг “Сибирь қирғизлари ҳақидаги фармони” эълон қилинган кунгача амалда мустақил бўлиб қолган.

Қозоқ давлатчилигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш сиёсатини Аблай хон (1711-1781) юргизган. Обрўли султонлардан бўлган Аблай хон 1748 йил Россия вассаллигини олган, аммо 1756 йили хитой фуқаролигига ўтган.

XVIII асрнинг 30- йилларида бутун Қозоғистон ҳудудининг Россияга қўшиб олиниши аниқ бўлиб қолди.И.К.Кирилловнинг Оренбург экспедитцияси Кичик Жуз ва Ўрта Жуз айрим қисмининг Россияга қўшилганининг биринчи ўн йиллигидан чор ҳукумати қозоқ чўлларида бир қатор иқтисодий ва сиёсий ҳарактердаги тадбирларни амалга оширишга киришди.1734 йилда ҳукумат сенати катта секретари И.ККириллов бошчилигидаги Оренбург экспедитцияси ўз фаолиятини бошлади.Экспедитциянинг асосий мақсади мамлакатнинг шимолий районлари-Қозоғистон,Бошқирдистон ва Қорақалпоғистоннинг ҳудудларини ўзлаштириш,уларнинг бой табиий ресурсларини тасарруф этишга тайёрлашдан иборат эди.Қозоқ –бошқирд чегара ҳудудларида истехкомлар

⁷⁰ Казахско-русские отношения вXVI-XVIII вв.1961.-С .49-50.

барпо этиш ва Ор дарёсининг Ёйиққа қуйилиш жойида Оренбург қалъасининг қурилиши бошланди. Оренбургни барпо этиш ғояси элчи Тевкелев томонидан Абулхайрхонга айтилган эди. И.К.Кириллов бу таклифни қўллаб-қувватлади. Оренбург Россия учун стратегик аҳамиятдан ташқари, ички бозорнинг кенгайишига ҳам хизмат қилишини режалаштирган эди. Рус савдогарларининг режасига кўра эндиликда Туркистон ва Хўжанд савдо қарвонлари рус товарларини сотиб олиш учун Бухорога эмас, Россия ичкарасига Ори ва Ёйиқ ҳудудларига қатнаши лозим эди. И.К.Кириллов фойдали қазилмаларни қайта ишлашга алоҳида этибор қаратди. Уташки ишлар коллегиясига ёзган тадқиқотномасида Қозоғистонда қумуш аралаш кўрғошин манбалари борлигини баён қилган. Қозоғистонда олтингугурт ва селитра етарли, улардан Россиянинг порохга бўлган эҳтиёжини еўлик қоплаш мумкин деб испотлайди. XVIII асрнинг 40- йилларида рус қозоқ ўзаро алоқалари янада мустақамланиб борди. Бунга чек қўйиш мақсадида жунғор ҳарбий ҳарактердаги бир неча тадбирлар бошлади.

Маълумотларга кўра, 40 йиллар ўрталарида хунтайжи Галдан Церен қозоқ овуллариварус қалъалари жойлашган ерларда 20 мингдан ортиқ қўшин тўплаган. Буни назарда тутган чор ҳукумати эски истеҳкомларни таъмирлаш ва янги истеҳкомларни қуришни бошлади. Қозоғистон билан чегара ҳудудларда илгаридан 14 та қалъа истеҳкомлари қурилган эди. Бора-бора Ёйиқ йўналиши Оренбург ва Орск истеҳкомлари билан туташтирилди. 1748 йилдан ҳукумат фармонига асосан казакларга *хутор* (янги аҳоли пункти) лар қуриш учун руҳсат берилди. 1734 йил юқори Ёйиқ қалъасининг бунёд этилиши билан янги йўналишга асос солинди. 1752 йил янги Нова-Ишимской ҳарбий истеҳкомлари барпо этилди. XVIII асрнинг 50 йилларида Омъск қалъасидан то Ямишевскгача чўзилган 930 верстан иборат Иртиш ҳарбий истеҳкомлар комплекси қуриб битказилди. Бу қалъалар оралиғида Железинск, Петропавловск, Семипалатинск, Уст-Каменгорск қалъалари жойлашган эди. Қозоқ чўлларининг бирин-кетин ҳарбий истеҳкомлар билан ўраб олиниши чор ҳукуматига мустамлакачилик мақсадларини амалга

ошириш учун кенг имкониятлар очди.⁷¹Бу истехкомлар бўйлаб рус,казак,бошқирд аҳолиси тез сураатлар билан ўсиб борди.

XVIII асринг иккинчи ярмида аста- секинлик билан энг яхши яйловлар, кишлоқ жойлари, қозоқ оқсуяк задагонлари, хонлар, султонлар ва уруғ оқсоқоллари қўлига ўта бошлади. Чор ҳукумати узлуксиз равишда ер масаласини, мустамлакачилик режасини ҳаётга тадбиқ эта бошлади.

Кичик Жуз ва қисман Ўрта Жузнинг Россия таркибига қўшилиб олиниши Қозоғистон чўлларида Россия позициясини мустаҳкамлади. Лекин бу рус-жунғор муносабатларининг ёмонлашувига сабаб бўлди. Бу икки давлат ҳеч қачон бир-бирига нисбатан ҳарбий ҳаракатлар олиб бормаган. Россия Цинь ҳукмдорларининг Жунғорияга қарши биргаликда уруш бошлаш таклифини икки марта рад этган эди.

1755 йил хон Давақи тахтдан ағдарилгач Жунғория бир неча бўлақларга бўлиниб кетди. Бундан фойдаланган Цинь манжурлари Жунғорияни босиб олди. Натижада қозоқ Жузлари Хитой давлати ҳавфи остида қолди. Россия томонидан қўллаб-қувватланган қозоқлар Цинь қўшинларини тўхтатиб қўйдилар. Россия ва Цинь империяси ўртасидаги қатор музокараларидан сўнг чегара ҳудудлар белгиланди. Лекин Цинь империясининг рус қалъалари ва қозоқ Жузларига ҳужум қилиш ҳавфи ҳали ҳам мавжуд эди.Рус ҳукумати XVIII асрнинг 60 йилларида ҳам қозоқ Жузлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқани мустаҳкамлади.1762 йил қозоқ султони Абулфийзхоннинг илтимосига биноан чўл ичкараси Семипалатинскда Сибир линиясининг командири фон Фраендорф сай-ҳаракати билан савдо-сотик манзили бунёд этилди.Қозоқ султонлари Аблай ва Абулмамбетлар ҳам Цин давлати билан муносабатлари ҳақида фикр юритиб “Улардан яхшилик кутиб бўлмайди, биз учун улуғ император хонимга хизмат қилиш катта шараф , Россия бор Хитойликлар бизга таҳдид қила олмайди ” деган фикрда эди.⁷²Рус ҳукуматининг асосий бош мақсади

⁷¹ История казахской ССР Древнейших времен до наших дней.Т5.1979.-С. 48-49.

⁷² Ўша асар. С.76-77 .

аста-секинлик билан Қозоғистонда хонлик структурасини тубдан йўқотишга қаратилган эди. Шу йўл билан улар қозоқ аҳолисини ҳам сиёсий ҳам иқтисодий жиҳатдан тўлиқ бўйсиндиришни кўзда тутган эди. Шу мақсад йўлида рус маъмурлари кейинги йилларда ҳам Вали(1781-1821), Букей(1816-1819), Эрали(1791-1794), Айчувак(1797-1805), Жонтўра(1805-1809), Серғози(1812-1824) каби итоаткор, ношуд, иродасиз ва қўрқоқ хонларни ҳокимят тепасига қўйдилар. Бу аниқ йўналтирилган сиёсат натижасида XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида хонлик ҳокимияти тизимини бутунлай йўқотиш учун қулай шарт-шароит вужудга келди.

1822 йил император Александр I нинг махсус фармони билан Ўрта Жузда хонлик расман бекор қилинди. 1824 йил Кичик Жузда, 1845 йилда Ички (Букеев) Жузида хонлик ҳокимияти бекор қилинди. Бутун қозоқ чўлларига рус маъмурий идора бўлимлари губернаторлик ташкил этилди ва Қозоғистоннинг қўшиб олинishi Чор Россиясининг олис келажакни ўйлаган босқинчилик режалари Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш ва Хинд океанига чиқишга бир босқич эди. Энди Россия бор эътиборини Ўрта Осиё хонликларини босиб олишга қаратди. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, XVIII аср бошларидан бошлаб, айниқса жунғорлар босқинидан сўнг ночор ахволдан қутилишнинг ягона йўли Россия империяси таркибига кириш деган фикрга келган қозоқ халқи, рус империяси таркибига киришга интилди. Қозоқ Жузликларининг калтабинлиги, заифлиги, ўзаро баҳамжихат бўлолмаганликлари оқибатида, уларнинг бутунлай Россия империясига қарам бўлиши ва хонликларининг тугатилишига олиб келди. Бу хатоликлар Қўқон, Бухоро, Хива хонликларининг ҳам босиб олинishiга замин яратди. Қозоқ халқларининг заифлиги, тарқоқлиги, қозоқ халқи ва элати ва Ўрта Осиё халқларининг моддий ва маънавий бўлакларининг ташиб кетилишига олиб келди ва бу хатоларни кейинчалик Ўрта Осиё хонларининг ҳам кўзини очмади ва кечириб бўлмас хатоликка йўл қўйиб бердилар.

III.2. Қозоқ Жузларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти

Қозоқлар кўчманчи чорвачилигининг инқироzi XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида жунғорларнинг бостириб келиши билан бошланди. Улар Еттисув, Жанубий Қозоғистон, Сирдарё бўйидаги шаҳарлардан, Шарқий ва Марказий Қозоғистондан қозоқларни сиқиб чиқара бошлади. Қозоқ уруғлари ва қабилаларининг каттагина қисми Россия давлат чегараларига яқин жойларга, айримлари эса Ўрта Осиё районларига кўчиб борадилар. Шимолда, Шимолий Ғарбда подшо ҳукумати томонидан турли мудофаа йўллари қурилиши муносабати билан қозоқлар ёзги яйловларнинг бир мунча қисмидан маҳрум бўлишди. Буларнинг барчаси Қозоғистоннинг иқтисодиёти, айниқса кўчманчи чорвачилигига таъсир қилди. Жунғорлар хужуми деҳқончиликка ҳам катта зарар келтирди, шундан кейин айрим шаҳарлар ва манзилгоҳларнинг тугатилишига олиб олиб келди. Ягона қозоқ хонлиги тарқалиб кетди, шундан кейин мустақил ер мулклар ўртасида ўзаро урушлар бошланиб кетди, Улар хонлик ҳокимиятининг нуфузига жиддий путур етказди ва уруғ қабила зодагонларининг марказга интилишини кучайтирди. Жунғорлар мағлубиятга учрагандан сўнг қозоқ уруғлари аввалги яшаган жойларига қайтиб кела бошладилар, кўчиб юришларнинг анъанавий йўналишлари яна тикланди, бироқ кўчманчи чорвачилик энди аввалги миқёсда ўзини тиклай олмади. Чорвадорларнинг қўпчилик қисми учун бирдан-бир нажот йўли ўзини ва оиласини боқиш учун деҳқончиликка ўтишдан иборат бўлиб қолди. XVIII асрнинг ўрталаридан эътиборан бу интилиш айниқса Сирдарё бўйидаги шаҳарларда, жанубий-шарқий Қозоғистонда кучайди.⁷³

Мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари, шунингдек қўшни халқларга этнографик қизиқиш мазкур халқлар, хусусан, қозоқ ерларидаги халқларнинг Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғидаги халқлари ҳаётини чуқур

⁷³ Казибоева М.К, Аргинбаева Х.А, Муканова М.С. Казахи. Историко-этнографическое исследование. Под ред. Алма-ата. 1985. -С.23.

ўрганишни талаб қилди.Россиянинг ташқи сиёсати режаларида қозоқ ерлари ўзининг стратегик аҳволига кўра “Осиё” даги барча мамлакатларга ҳамда ерларга қалит ва дарвоза сифатида қулай стратегик мавқега эга бўлиши туфайли алоҳида ўрин тутар эди.Шунинг учун ҳам Буюк ПётрI 1722 йилда “Қирғиз-қайсоқ ўрдаси Россиянинг ҳимоясида бўлиши талаб қилинади ва фақат улар орқали барча Осиё мамлакатларига алоқа йўллари ўтади,Россия томони ҳам фойдали ва қодир чора тадбирлар кўриши керак бўлади”, деган эди.Бу фикрларни Россия ҳукумати ПётрI ҳукмронлигининг дастлабки йилларидан бошлаб ташиб юрди. ва ўша вақтдаёқ қозоқларни ва Ўрта Осиёлик халқларни табиий-географик ва тарихий-этнографик жихатдан ўрганиш кучайтирилди.1692 йил подшонинг кўрсатмаси билан Тобольскдан Туркистонга қозоқ хони Тауке ҳузурига Василий Кобяковнинг элчилиги юборилди, бундан кўзланган мақсад Россиянинг қозоқ хонлиги билан алоқаларини мустаҳкамлаш эди. Элчихона маҳкамасидаги “сўров нутқлари”да Тобольскда Кобяков бундай деган эди:”Улар, қорақалпоқлар ва Казаклар ўрдасининг одамлари, қуролларни Бухородан сотиб оладилар, порохни ўзларида тайёрлайдилар ,уларда селитра пайдо бўлади, улар руда олиб Тобольск йўлида эритишади.⁷⁴Тауке хоннинг ғалласи озмунча эмас , буғдойи ҳам , арпаси ҳам,тариғи ҳам бор, ғалланинг кузги ва баҳоргисини экишади.Қозоқларда қорамол ва сигирлар йўқ,лекин қўй ва отлари кўп,чорва билан тирикчилик қилишади”.Ф Скибин элчихонасининг маълумотларига кўра, қозоқлар асосан кўчманчи ҳаёт кечирадилар,уларда экин экиладиган жойлар жуда кам бўлади,шаҳарларда асосан Бухоролик асирлар истиқомат қилишади,улар қўрғошин қуйишади ва порх ясайдилар”.Ф Скибин ва М Тарошинлар йўлда учраган қозоқ шаҳарлари Сифноқ,Ўтрор,Туркистон,Сайрам,Сўзоқ ва бошқа жами 20 та шаҳарларни тасвирлаганлар.Бу шаҳарлар қозоқ ва ўзбек феодаллари ўртасидаги доимий жанжалларнинг сабаби бўлган, бу эса ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларини

⁷⁴ Косенбаев.С, Мирзамуратова.А.XV-XIXаср охирида қозоқлар тўғрисидаги этнографик тадқиқотлар.1987.-Б. 45.

ривожлантиришга салбий таъсир қилиб, деҳқонлар ва чорвадорлар хўжалигига путур етказган. Ремезовнинг хариталарида қозоқ ва ўрта Осиё ерлари тасвирланган, бироқ бу хариталарда “Қазаклар ўрдаси” нинг кўчманчилик қиладиган жойлари Балхаш кўли билан Чу ва Сирдарё дарёлари оралиғидаги макон билан чекланганки, бу унчалик тўғри эмас. Ҳақиқатда қозоқларнинг кўчиб юрадиган жойлари XVII аср охирида шимол томонга ҳам, Сибирдаги рус шаҳарлари чегараларига қадар чўзилиб кетган эди. Қозоқ чўлининг шимолий-шарқида эса Иртиш дарёсининг юқори оқими ва Зайсан кўлигача давом этди. Тўғри, XVIII асрнинг бошларида қозоқларнинг шимолдаги ва шимолий-шарқидаги айрим ерлари қисқа муддат давомида жунғорлар томонидан эгалланган бўлиб, улар маҳаллий қозоқ аҳолисини бўйсундиришга ва улардан ўлпон олишга интиланган эди. Қозоқлар Тобольск атрофидаги ерларда, янги қурилган қалъалар яқинидаги ерларда, шунингдек Олтой тоғ ёнбағирларида кўчиб юришарди. Рус тадқиқотчилари кўчманчи халқларни, шу жумладан қозоқларни “босқинчилар”, “талончилар” деб аташар, улар ўзларининг шахсий бойишлари учун Россия ерларига ҳужум қилиб турганлар, деб даъво қилишган эди. Бундай нуқтаи-назар тарихий ҳақиқатга сира ҳам тўғри келмайди. Қозоқлар подшо кўшинларининг қозоқ чўли ичкарасига кириб боришига қаршилик кўрсатишга мажбур бўлишган. Шу сабабдан уларнинг бу ҳужумлари “қароқчилик, босқинчилик” эмас, балки, уларнинг чоризмга қарши курашининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган мудофаа ҳужуми тактикаси хусусиятига эга бўлган эди.

XVIII асрнинг бошларида қозоқ чўлига рус амалдорлари келишди, улар ўзларининг шахсий кўзатишлари ва уруғ бошлиқларининг берган маълумотлари асосида кўчманчиларнинг манзиллари ва қозоқ чўли аҳолисининг сони ҳақидаги маълумотларни ҳукуматга тақлим этдилар. Бу жиҳатдан Оренбург губернатори Г. Болконскийнинг “одатда катта, ўрта, ва кичик тўдаларга бўлинадиган қирғиз-қайсоқлар ҳақида”ги маълумотлари ниҳоятда қимматли бўлган. Муаллифнинг маълумотлари бўйича керейларнинг жойлашуви қуйидагича: Етти уруғли уак-керейлар учта

бўлимда 8000 яқин оила. Қўчманчиларнинг ёзги манзилгоҳлари Есиль дарёси бўйлаб ва жайилма кули яқинида.қишда Иртиш дарёси яқинида. Бу ерда биз фақат ўрта Жузнинг икки қабиласи-уаклар ва керейларни эмас,балки Кичик Жуз қозоқларининг жеттиру қабиласидан бўлган қозоқларни ҳам кўрамиз”.Муаллиф қўнғиротлар билан биргаликда кўчиб юрадиган найманлар ҳақида ҳам хабар беради,уларнинг умумий сони 15000 оилани ташкил этади. Еттисувда Коксу ва Қоратол дарёларида Актуар тоғи яқинидадир,улар қишда Туркистон ва Тошкент томонларга узоқлашиб кетадилар.⁷⁵ Қўнғиротлар найманлар билан бирга Еттисув ерларида кучманчилик қилиб юришади. Улар қўнғиротларнинг асосий таркиби ҳисобланиб,Ч.Валихоновнинг сўзларига қараганда,Бухоро,Қўқон ,Тошкентда,кўпроқ Қоратав тоғларида ва Талос дарёси бўйлаб ўзбек уруғлари билан қўшничиликда кучиб юрадилар. Арғинлар ҳақида қуйидагича айтилади: “Асосий арғин уруғи 5бўлимда 30000 яқин оила уларнинг қишги манзиллари Баяновул,Қизилтов,Чагань тоғларида,Тўрғай дарёсининг юқори қисмларида.Ёзда Ерментов яқинида Ванура ҳамда Жалдису дарёлари бўйлаб”.

Қипчоқлар ҳақида қуйидагича маълумотлар бор:”Қипчоқ уруғи бир бўлимда минг оилагача. Есиль дарёлари ва Ясер ҳамда Багань даралари яқинида кўчиб юрадилар”. Муаллифнинг ҳисобига қараганда,Ўрта Жузда 100 та булим бўлиб, улрда 153000 оила бўлган.⁷⁶ Тевкелев қозоқ овулларида кундалик кузатиш йўли билан ҳам ,шунингдек аҳоли билан суҳбатлашиш орқали ҳам маълумотлар тўпларди. У XVIII асрда тез-тез рўй бериб турадиган уруғлар аро тўқнашувлар, баримталар,шунингдек қозоқларнинг ҳарбий анжомларига, уларнинг қурол-аслаҳа чиқаришларига катта эътибор берди.Бундан ташқари, у юритган қайдлар журнаliga феодал урф –одатларни ҳуқуқли тасвирловчи кўпгина фактлар,аҳолининг айрим гуруҳлари,хўжалиги, машғулотлари, халқнинг моллар билан ишлаш жойлари,кўчиб ўтиш

⁷⁵ Муканов .М С. Этнический состав и раслиней казаков Средного жуза. Алма-ата.,1974.-С. 70.

⁷⁶ Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинения.,Т1. Алма-ата.,1961.-С. 203.

йўллари, турмуши, маданияти, дини ҳақидаги маълумотларни ёзиб борган. Тевкелевнинг тўплаган маълумотлари қозоқ халқининг уруғининг таркибини ва хўжалигини анча кенгроқ кўрсатиб беради. Унинг маълумотларида ҳам айрим ноаниқликларга қарамасдан XVIII асрдаги қозоқларнинг кучманчи турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотлар ҳисобланади.⁷⁷

Хўжалиги. Кўп асрлар мобайнида қозоқларнинг асосий машғулоти экстенсив кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик бўлиб қолаверди.

Чорвачилик уларга озиқ-овқат, кийим-бош ва ҳаракатланиш воситаларини берар эди. Чорвачиликнинг яйлов кўчманчилиги учун чорвани деярли йил бўйи табиат қўйнида боқишга мослашган эди.

Бу система табиийки йил фаслларига қараб мунтазам кўчиб юришни тақазо қилиб юрар эди. Эрта кўкламда қорлар эрий бошлагач пода унча узок бўлмаган жойларда боқилган, бу даврда ўтлар яхши бўлган. Кунлар исигач эса чорва ёзги яйловларга кўчирилган. “Жайлов” деб аталган бу ерларда серўт яйловлар, сувман болалари бўлган. Кейин эса кузги яйловларига кўчирилган. Қиш олдида эса қишлов жайловларига олиб келинган ва чорва бу ерда кўкламгача сақланган. “Ҳар бир қозоқ уруғи ўзининг алоҳида кўчиш йўналиши маршрут масофаси айрим пайтларда 500-600 кмни ташкил этган.”⁷⁸

Поданинг таркиби бир ёқдан бирон турли чорванинг қозоқлар оилавий хўжалигидаги аҳамиятига, кейинчалик савдо-сотиқнинг ривожланиши билан бозор талабига кўра, иккинчидан яйловларнинг катта-кичиклиги ўша турнинг шу шаройитга мослашганига қараб белгиланган. Қозоқ Жузларида асосан кўйчилик ва йилқичиликка катта эътибор берилган. Туячилик ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Туячилик асосан, жанубий, марказий ва ғарбий чўл ва чала чўл ерларида кенг ривожланган. Асосан бир ўрқачли (нор) туялар билан кўш ўрқачли (айир уқеш) туялар боқилган. Нортуялар нисбатан бақувват ва чидамли бўлганлиги сабабли, уларни боқишга нисбатан кўпроқ эътибор бериб

⁷⁷ Казакско-русские отношения в XVII- XVIII вв. *Алма-ата*. 1962. -С. 62.

⁷⁸ История Казахской ССР Древнейших до наших дней. Т.5. 1979. -С. 53.

келинган.Туя яхши юк ташиш воситаси бўлиши билан бирга, унинг жуни жуда қиммат турган.Туя сутидан “Шубат” деб аталадиган тўйимли ичимлик тайёрланган.Қозоқлар хўжалигида қорамол дастлаб жуда кам бўлган.Фақат кейинги асрлардагина қорамол сақлаш ва боқишга катта эътибор берадиган бўлди.Қозоқларнинг чорвачилик хўжалиги секинлик билан бўлса ҳам ривожланиб борди.

Чорвачилик кўникмалари ва малакалари авлоддан -авлодга ўтиб борган. Қозоқларнинг бутун турмуши тарзи, хўжалиги ва меҳнат қуроллари, яшаш шароити чорвачилик учун мослаштирилган. XVIII асрдаги қозок Жузлари кўчманчилик жамиятига деҳқончилик хўжалиги ҳам таниш бўлган. Чорвачилик билан деҳқончиликни қўшиб олиб борилганлиги улар тарихининг илк даврдан то ўрта асрлар охирига қадар кўзга ташланди. Қозоқларнинг асосий деҳқончилик райони Сирдарё атрофлари бўлган.Рус элчиси В.Кобяков Тоукахон қароргоҳида бўлганида уларнинг кўплаб буғдойзор ва арпазорлари борлигини , ҳам кузги,ҳам баҳорги ғалла етиштиришларини маълум қилган.

Талас, Чу ва Еттисув водийлари ҳам азалдан деҳқончилик маданияти манзилгохлари бўлган. Бу ҳақида кўплаб турар жой манзилларининг вайроналари ва каналлар, кўприклар далолат беради. Катта Жузда ғаллачиликнинг қандай ривожланганлиги ҳақида XVIII асрда И.Г.Георги шундай деб ёзиб қолдирган. “Катта Ўрда қирғизларнинг доимий қишлайдиган манзиллари бўлган, ёзда эса қамиш капаларда яшаганлар.”⁷⁹ Деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли “Жатақ”лар деб аталган.Чорва молларидан табиий офатлар туфайли айрилган чорвадорлар ҳам жатақларга айланган.

Уларнинг деҳқончилик усуллари, ерга ишлов бериш ва меҳнат қуроллари ибтидоий бўлган, даромад ҳам кам бўлган. Қозоқ Жузларида деҳқончилик жуда секин ва нотекис ривожланган.Қозоқларнинг иқтисодий ҳаётида хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам маълум аҳамият касб этган.Хўжалик маҳсулотлари етиштириш натурал хўжаликнинг муҳим

⁷⁹ Георги.И.Г.Описание всех в Российском государстве обитающих народов, ч.П.СПб1799.-С.120-121.

таркибий қисми ҳисобланган.Бу соҳа қозоқларда аста-секин ривожланиб кишлоқ хўжалигидан ажралиб чиққан ва истемога буйрутмалар ва қисман бозор эҳтиёжига мослаштирилган.

Чорва маҳсулотлари ва хом-ашё ишлаш ва қайта ишлаш ҳар бир оиланинг алоҳида машғулотига бўлган.

Қозоқларга жун ва терини қайта ишлаш азалдан маълум бўлган. Қўй жунидан чодирлар учун кигиз ва ёпинғичлар қилинган. Сифатли жунлардан эса гиламлар тўқилган. Туя жунидан мовутга ўхшаш мато тўқилган.От ёлидан рўзғор учун арқон ва иплар ясашган.Тери эса энг содда усул билан ошланган ва сифати паст бўлган.Қозоқларда эркаклар ва аёллар учун алоҳида белгиланган хўжалик маҳсулотига бўлган.Кигиз,палослар ясаш,кийим-кечак тикиш, терини ошлаш ва совун пишириш фақат аёлларнинг вазифаси бўлган.Қолган юмушларни эса эркаклар бажаришган.Қозоқ хунармандларининг (темирчи,дурадгор,заргар кабилар) ишлаб чиққан маҳсулотлари фақат айрим феодалларнинг эҳтиёжига хизмат қилган.Улар бозор билан паст алоқада бўлган.

Турар жойлари. Қозоқ оилалари асосан ўтов(кигиз уй)ларда яшаган.Ўтовлар турли безаклари билан бир-биридан фарқ қилган. Уларнинг ўтови Марказий Осиёдаги бошқа чорвадор оилалар яъни қирғиз, туркман, қорақалпоқ ўтовларидан деярли фарқ қилмайди. Ўтовлардан ташқари омонат уйлари ҳам бўлган:Курке(чайла),жаппа,қўс.Қамишдан (казба) ва чимдан ясалган уйлар ҳам бўлган.

Кийим–кечаклари.Қозоқ оилалари ўзлари учун зарур уст-бош кийимларини хонадоннинг ўзида қўлда тикишган.Кийим-кечак кўчманчи ҳаёт шароитига мослаб тикилган.Эркакларнинг кийимлари,кўйлак,бешмет,чопон,тимақ(жун қалпоқ) , кумис белдик,камар этик, кигиз пайпоқдан иборат.Аёлларнинг кийимини бўриқ(қизлар киядиган бош кийим),саукел(ёш жувон бош кийими),кимшек(аёллар бош

кийими),кўйлак,бешмет ва бошқалар⁸⁰.Қиш пайтида кўй терисидан ,баъзан тулки ва бўри мўйнасидан тикилган узун пўстин кийишган.Чакмон (шекпен) ҳам ишлатилган.Аскар,овчи албатта узун ва ниҳоятда ингичка тасма (кисе) тақиши лозим бўлган.Кисега пичоқ қини халта осилган.

Савдо-сотик. Қозоқлар азалдан Ўрта Осиё хонликлари Россия, Эрон ва Шарқий Туркистон билан савдо-сотик қилишган. Улар Ўрта Осиё бозорларида чорвани тўқимачилик маҳсулотлари ва деҳқончилик маҳсулотларига айирбошлаган. Бундан ташқари Хива Бухоро билан савдо қилишган.Россия билан савдо-сотик XVIII асрнинг биринчи ярмигача анча суст бўлган.Кейинчалик катта Жуз ва кичик Жуз Россия таркибига қўшиб олингандан сўнг анча фаоллашди.⁸¹Рус бозорларига армия учун отлар,саноат учун жун,тери,кўй терисидан пўстин,эчки мўйнаси зарур бўлган.Қозоқларда эса рус бозоридан саноат маҳсулотлари, темир анжом ва идишлар, овчилик жиҳозлари,матолар ва чарм маҳсулотларига эҳтиёж катта бўлган.Кейинчалик Қозоғистон чегара ҳудудларидаги ҳарбий қалъа ва шаҳарларида савдо-сотик қилиш учун махсус жойлар қурилган.Чор ҳукумати рус-қозоқ савдо алоқаларида муҳим роль ўйновчи ,ўртадаги олди-бердини бажариш учун Тошкентлик,Бухоролик, Фарғоналик савдогарларга ҳам имтиёзлар берилган.Улар йиллаб ватанларига бормай қозоқ чўллари ва Россия шаҳарлари ўртасида савдогарлик қилган.

XVIII асрнинг 40-йилларидан Россияда бож хизмати жорий этилган. Лекин чорва молларини сотишга мол ҳайдаб қозоқлардан одатда бож олинмаган. Бундай савдони кўллаб- қувватловчи тадбирлар икки ўртадаги савдо-алоқаларини тобора кенгайтиришга олиб келган.

XVIII аср охирларига келиб, Россия билан савдо қиладиган қозоқ бўлимлари, уруғлари ва аҳоли сони Ўрта Осиё билан савдо қиладиганлар сонидан ошиб кетди.Савдо-сотикнинг ривжланишида натурал хўжаликнинг

⁸⁰ Валихонов,Ч.Ч. Сборник сочинений в пяти томах,Алма-ата,1961-С.106.

⁸¹ История Казахской ССР Древнейших до наших дней.Т5.1979.-С.55-56.

тобора емирилиб бориб, товар ишлаб чиқариш ва пул муносабатларининг шаклланишига олиб келди.

Ер муносабатлари қозоқ Жузларида Ўрта Осиё хонликлари сингари унчалик ривожланмаган. Лекин солиқ турларининг бир қанча турлари мавжуд бўлган.

Ижтимоий муносабатлар. Қозоқ жамиятида икки аниқ шаклланган синф-бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларидан фойдаланувчи феодал синф ва уларга карам деҳкон чорвадорлар синфи. Феодаллар синфи ўзининг иқтисодий ва сиёсий мавқеига караб хонлар, султонлар, бийлар, бойлар, тархонлар ва бошқа феодал гуруҳлардан ташкил топган эди.

Бойлар яъни катта туёқ сонига эга бўлган шахслар қозоқ патриархал жамиятининг асосий хўжайинлари бўлган. Султонлар Чингиз авлодига мансуб бўлган оқсуяк тўралар ҳисобланишган.⁸² Улар мамлакатни бошқариб, уруглар ўртасидаги яйлов масалаларини ҳал этишган. Улар оддий чорвадорлардан маълум солиқ олиб туришган. Россия Фанлар Академияси аъзоси П.С.Паллас “Кўп сонли қирғиз халқи, - қалмиқларга қараганда эрки чекланмаган ҳолда яшайди. Ҳар бир қирғиз ёки аймақ ўз тепаларида турадиган бошлиққа эга бўлиб, унга бир авлоддан келиб чиққан барча кишилар ихтиёрий равишда қулоқ соладилар.⁸³ П.С.Паллас қозоқларнинг кўчманчи турмуш тарзини ва кундалик машғулотларини, чорвачилик хўжалиги юритиш усуллари ва унинг маҳсулдорлигини, чорва молларини парвапиш қилиш, йилнинг турли фаслларида қозоқларнинг яйловлардан фойдаланишини батафсил тасвирлаб берган. Палласнинг фикрича, қозоқлар одатда Ўрта Осиё чўлларидаги бошқа халқлардан фарқ қилиб, кигиз ўтовларда яшайдилар, битта ўтовга 20 дан ортиқ одам сиғади. Чўл одамлари ўзларининг кўчманчилик қилишлари учун жой танлашни биладилар ва бир

⁸² Валихонов, Ч. Ч. Ўша китоб. - С.56-57 .

⁸³ Паллас П.С. Путешествие по разным провинциям Российском империи. СПб, 1773. - С.568.

жойдан бошқасига ўтиб,у ердаги имкониятлардан энг яхши тарзда лаззатланадилар.⁸⁴

Мулла ва хўжалар ислом динининг вакиллари бўлиб,зодагон синф манфаатларини қўллаб қувватлаганлар.Бунинг эвазига улардан тортиқлар олиб турганлар.Ҳар бир таниқли ҳукмдор уруғ оғаси ҳузурида араб тили ва куръондан саводи бор муллалар бўлган.Улар шариат йўли билан муаммоларни ҳал қилишган ва зодагонларнинг болаларига савод ўргатган.Бийлар қозоқ жамиятининг ўрта бўғини ҳисобланган.Ҳар бир овул ёки уруғнинг ўз бийи бўлиб, улар алоҳида ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлганлар.Уларнинг зиммасида қозилик қилиш ва буйруқ бериш функцияси бўлган.Улар аҳолининг урф-одатлари,анъаналарини назорат қилган.Бийлар хон ва султонларнинг таянчи бўлган.

XVIII асрда қозоқ жамиятида “ботирлар” ҳам муҳим роль ўйнаган.Уларнинг айримлари ўз овули ва уруғининг йўлбошчиси бўлган.Тархонлар ҳам қозоқ жамиятининг юқори табақасига мансуб бўлган.Бу унвонни чор ҳукумати XVIII асрдан бошлаб алоҳида хизмат кўрсатган қозоқ зодагонларига тақдим этишган.Уларга алоҳида имтиёз ва ер-мулк беришган.Биринчи тархонлик 1743 йил июль ойида Елизабетта Петровна фармони билан ботир Жонибекка берилган.Барча феодал давлатларда бўлгани каби қозоқ жамиятида ҳам асосий моддий неъматлар яратувчилари оддий деҳқон, чорвадорлар бўлган.Улар аҳолининг мутлоқ кўпчилигини ташкил қилган.Улар орасида “Канси” деб аталувчи маълум тоифа бўлиб, улар зодагонларнинг хўжалигида ишлаганлар.Уларнинг айримлари ўз уруғи ёки овулидан маълум сабабларга кўра ажралган кишилар бўлган.Чорвадорларнинг энг ночор қисми “байгушлар”деб аталган.”Тюленгутлар”деб аталган чорвадорлар алоҳида гуруҳни ташкил этишган.Улар хон ёки султонларнинг хос одамлари бўлиб, уларнинг чорваларини боқишган ва қўриқлашган.Хўжайин ва унинг оиласига ҳамроҳлик қилишган, уларнинг маъмурий ва дипломатик топшириқларини

⁸⁴ Ўша асар.-С.568.

адо этишган ва ҳарбий юришларда хон ва султонларнинг хос соқчилари бўлишган. Ўша пайтда қозоқ жамиятида қулчилик ҳам мавжуд бўлган. Қулнинг тақдири тўлалигича эгасининг ихтиёрида бўлган, лекин қулларнинг қозоқ жамиятида ўрни арзимас бўлган.

Овул жамиятининг туғилиши ва шаклланиши чорвачилик хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ. Илгари замонда ер бутун овулнинг мулки ҳисобланган. Кейинчалик овул аҳолисининг ҳар бирининг алоҳида хўжалиги бўлган. Лекин улар орасида тенглик бўлмаган. Овул оқсақол ва бийларининг мол-мулки кўп бўлиб, улар оддий чорвадорларни эзишган. Оддий чорвадорлар уларга яйловлардан фойдаланганликлари учун чорва боши ҳисобидан солиқ тўлаб туришган. Умуман олганда XVIII асрда қозоқ ижтимоий инфратузилмасида нотенглик ҳукм сурган. Кўчманчилик жамоаларида иқтисодий ва моддий нотенглик уруғчилик анъаналари билан чамбарчас бўлган.

Шундай қилиб кўчманчи хўжалик қозоқларининг бутун ҳаёти ва фаолиятини белгилаб берган. Фикримча қозоқларнинг кўчиб юришлари бошқа чорвадор кўчманчиларининг ҳаракати каби саҳролар бўйлаб тартибсиз юришдан иборат эмас, балки анъанавий тарзда қарор топган, хўжалик эҳтиёжлари ва муҳитнинг шароитлари олдида белгилаб кўйилган. Қозоқ Жузлари уч асосий хўжалик турини ажратиш мумкин. Булар чўлларнинг кўчманчи аҳолиси, ярим кўчманчи аҳоли, ўтроқ аҳоли. Ўтроқ аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган, бундан ташқари қозоқларнинг хонаки ҳунармандчилик ва кўчманчи хўжалик юритиш шароити ҳам ривожланиб борган. Чорва моллари кўчманчи эгасига фақат овқат эмас, балки хом-ашё манбаини ҳам етиштириб берган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганимизда юқорида қайд этилган маълумотларда Ўрта ва Кичик қозоқ Жузлари ва қозоқ халқининг XVIII асрдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисида, ўша даврда Марказий Осиё минтақасида рўй берган сиёсий, тарихий ва миграцион жараёнларнинг юз бериши, бу жараёнларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган омиллар ҳамда унинг оқибатларини кўришимиз мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, қозоқлар ўзларининг тарихий ривожланиш жараёнида азалдан қозоқ элатининг этник ўзаги сифатида қарор топган қабилалар ўзларининг кенг доирадаги қўшилари билан мустаҳкам этник ва маданий алоқага киришдилар ва улар билан қўшилиб аралашиб кетадилар. Улар умумий ҳарбий ва сиёсий иттифоқларига кирадилар, хўжалик алоқаларига киришдилар. Ана шу асосда вужудга келган этник жараёнлар қозоқ халқи этник ўзагининг чегараларини кенгайтирди ва улар билан тобора кўпроқ қабилаларнинг бирлашувига олиб келди.

Кейинчалик янги этник бирлик бўлган халқнинг шаклланиши билан тугади. Шу асосда Қозоғистон ҳудудида бу халқ маъмурий ҳудудларига бўлиниб қозоқ Жузлари хонликларига бўлиниб яшадилар.

Қозоқ Жузлари хонлари ичида Ўрта Жуз хони Аблайхоннинг фаолиятига эътибор қаратганимизда унинг мардлиги, донолиги, мохир саркарда ва сиёсатчи эканини таъкидлаб ўтиш зарур. Дахшатли ва суронли “Буюк мусибат йиллари” да қозоқ халқини жунғорлар ва бошқа босқинчиларга қарши курашда бирлаштира олган миллий қаҳрамондир.

Қозоқ халқининг эътиборини қозонган Аблайхон халқ хотирасида ўчмас из қолдирган.

XVII аср охири ва XVIII аср бошларида қозоқ Жузлари сиёсий жихатдан тарқоқ бўлиб қолмоқда эди. Уларнинг бу ҳаракати ўзлари учун кўпдан-кўп босқинларни келтириб чикарди ва бу йиллар “Буюк мусибат йиллари” деб ном қолдирди. Жунғорлар ҳужуми қозоқ халқининг бошига

кўплаб саргардонликлар ва ташвишни келтириб чиқарди. Бунга сабаб⁸⁵ қозок Жузларининг ривожланиши ва ўтмишида ўчмас ва унитиб бўлмас асорат қолдирди.

XVIII аср бошларидан бошлаб, айниқса жунғорлар босқинидан сўнг ночор аҳволдан қутилишнинг ягона йўли Россия империяси таркибига киришга интилди. Қозок Жузлари хонларининг заифлиги калтабинлиги ўзаро баҳамжихат бўлаолмаганликлари оқибатида уларнинг Россия империясига қарам бўлиши ва хонликларининг тугатилишига олиб келди. Бу хатоликлар Қўқон, Бухоро, Хива хонликларининг ҳам босиб олинишига замин яратди. Қозок хонликларининг бу хатосини, кейинчалик, Қўқон, Бухоро , Хива, хонликларининг ҳам кўзини очмади. Натижада бу минтақанинг моддий ва маънавий бойликлари талон-тарож қилинишига олиб келди. Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом қозок-ўзбек дўстлигини тарифлаб: ”Биз бир китобнинг икки бетимиз”⁸⁶ деганида нақадар ҳақлигини бу халқларнинг қолган Марказий Осиёдаги қардош халқлар қатори бир-бирига чамбарчас равишда ҳаёт кечирганлиги исботлайди.

Қолаверса мухтарам президентимиз И.А.Каримов бу икки халқ тарихига тўхталиб шундай деган эди: Бизлар Турон заминида униб-ўсган икки оға-ини халқмиз. Тилимиз ҳам, дилимиз ҳам, динимиз ҳам муштаракдир. Қадим-қадим замондан Туронзамин деб аталган бу поёнсиз кенгликларда қозоғу-ўзбек, қирғизу-туркман барчамизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар. Ям-яшил серхосил далаларда чорва боққанлар, деҳқончилик қилганлар. Не-не босқинларни, қирғинларни кўрган боболаримиз ёнма-ён туриб ҳимоя қилганлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва бу Оллоҳ-таоло берган азалий ва абадий насибамиздир. Бизнинг иқтисодий, маданий ва манавий муносабатларимиз жуда қадим замонларга бориб тақалади. Марказий Осиё ва қозок хонликлари жуда яқин ва турли-туман алоқа ва муносабатлар

⁸⁵ Каримов. И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент: 1998. -С. 174.

орқали ривожланиб келган.Ҳарбий можаролар иқтисодий ва хўжалик ҳамкорлик босқичлари билан алмашилиб турган.Гоҳо-гоҳо сулолавий никоҳлар қурилиши кўзатилиб турган.

Қозоқ хонликларида шаҳарлар бўлмагани шу хонликларнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир қилган.Қозоғистон ва Марказий Осиё халқларининг ўзаро муносабатлари азалий тарихга эга.Бу муносабатлар ташқи сиёсатда ва ўзаро савдо алмашувларда ифодаланган. XII асрда Буюк Ипак йўли доирасига кирган ва Хитойдан ғарб мамлакатларига Етти дарё ва жанубий Қозоғистон ҳамда Марказий Осиё хонликлари ҳудудларидан ўтган савдо алоқалари Қўқон,Бухоро ва Хива орқали олиб борилган ва тўхтовсиз урушларга қарамай доимо давом этган.

Тарихий маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг 60-йилларида минг туядан иборат савдо қарвонлари мунтазам қатнаб турган.Бухоро ва Фарғона водийсидан борадиган қарвонларни ҳам қўшиб ҳисобласак,бу рақам янада ортади.Ўзбекистондан қозоқ овулларига газмоллар,кийим-кечак,уй-рўзғор буюмлари олиб борилган бўлса,қозоқлар юртидан ўн минглаб қўй,от-туя, қорамол,кигиз,палос,жун тери, озиқ-овқат,пистакўмир ва бошқа моллар келтирилган⁸⁷.Қозоқ ва ўзбек халқлари барча даврларда бирга бўлган,ёнма-ён қадам ташлаб,турмушнинг бор шодлиғу-ғамини бирга баҳам кўрган.

Кўчманчи хўжалик қозоқларининг бутун ҳаёти ва фаолиятини белгилаб берган. Фикримча қозоқларнинг кўчиб юришлари бошқа чорвадор кўчманчиларнинг ҳаракати каби саҳролар бўйлаб тартибсиз юришдан иборат эмас. Балки, анъанавий тарзда қарор топган хўжалик эҳтиёжлари ва муҳитнинг шарт-шароитларидан келиб чикиб олдиндан белгилаб қўйилган. Бундан ташқари қозоқ Жузларида деҳқончилик, хонаки ҳунармандчилик юритиш шароити ҳам ривожланиб борган.

⁸⁷ .Каримов.И.А.Маънавий юксалиш йўлида.Тошкент.1998.-Б174.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент, Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. –Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. “Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз”. Том .9, –Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
4. Каримов И.А.Маънавий юксалиш йўлида.–Тошкент,1998.
- 5.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.

II. Манбалар.

1. Ҳофиз Таниш Бухорий. Шарафномаи шоҳий. Т.2.–Тошкент,1999
2. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. –Тошкент, 2010.

III. Умумий асарлар .

- 1.Акишев.А.К, АсылбековМ.Х, БайпановК.М, КасымбаевЖ.К, Казыбаев.М.К. История Казакстана с древнейших времен до наших дней.(Очерк) –Алматы, 2006.
- 2.Алексенко.Н.В. Русская колонизация Рудного Алтая в XVIII-XIXвв.–Ленинград,1961.
- 3.Артикбаев.Ж.О. История Казахстана. Учебник для вузов. –Кастранай, 2007.
- 4.Асфандияров.С. История казахстана (с древнейших времен) –Алматы, 1993.
5. Бартольд.В.В. Киргизы. Исторический очерк. –Москва, 1963.
6. Бескровний.Л,Тихвиннский.С,Хвостов.В. К истории формирования русско-китайской границы.– Международная жизнь,1972
- 7.История Казахской ССР: С древнейших времён до наших дней. Т5.– Алматы, 1979 .
8. Валихонов.Ч.Ч. Собрание сочинений в 5 томах. –Алматы, 1985.
9. Вяткин.М.Очерки Истории Казахской ССР Т1. –Москва,.1941

10. Гулямов.Х.О. Восстаниях казахов,1976.
11. Иванов.П.П. Очерки по истории Средней Азии. –Москва, 1958.
12. Златкин.И.Я. История Джунгарского Ханства, 1953.
13. Кокуш Рысбай .Казахстан Республикасининг тарихи.–Алматы,2005.
14. Казахско-русские отношения XVI-XVIII в. –Москва, 1961.
15. Левшин.А.И. Описание киргиз-казачих или киргиз-кайсацких орд или степей.1832.
16. Моисев.В.А.Джунгарское ханствои казахи.–Алматы, 1991.
17. Набиев. С.История Кукандского ханства, – Тошкент, 1967.
18. Сулейманов.Б.С, В.Я. Басин. Казахстан в составе России в XVIII нач. XX в. –Москва,1981.
19. Туревич.Б.П. Международные отношения центральной Азии в XVIII первой половина XIX вв. –Москва, 1979 .
20. Телебаев.Б.А. Казахстан, Средняя и Центральная Азия XVI-XVIII вв. –Алма-аты, 1983 .
21. Тынышбаев.М.Великие бедствия(Ақтабан убырынды)–Алматы, 1992.
22. Чимитдоржиев Ш.Б. Взаимоотношения Монголий и Средней Азия в XVII-XVIII вв. 1979.
- 23.Алаш тарихи-зерттеу орталығы.Қазақ ру тайпаларынын тарихи.Т11.–Дулат 2 кытап.2008.
24. Абылай туралы жыр//Абылайхан.Тарихи жырлар.– Алматы.,1995.
25. Серикбаев.М. Ақтабан шубырынды оқығасына байланысты жер су аттары, 2005.
26. Чехович.О.Д. К истории Узбекистана вXVIII веке.Труда института ВостоковеденияАНУзССР випIII.–Ташкент,1954.
27. Шепелёв.А. Очерк военных и дипломатических отношений России со средней Азией до начала XIX столетия.–“Средняя Азия”Алманах.Научно-литературный сборник.–Ташкент, 1895.
- 28.Юдин В.П.Известия, Зийа ал-кулуб Мухамад Аваза о казахахXVI века. –Алма-аты, 1966.

IV.Этнографик асарлар.

- 1.Георги.И.Г. Описание всех в Российском государстве обитающих народов, 1799.
- 2.Кан.Т. История Казахстана. Учебник для вузов. –Алматы , 2007 .
- 3.Косенбаев.С.Мирзамуратова.А.XV-XIXаср охирларида козоқлар тўғрисидаги этнографик тадқиқотлар, 1987.
- 4.Красовский.М. Область Сибирской Киргизов СПб. – Москва, 1968 .
5. Муканов.М.С. Этническая территория казаков в XVII-XVIII в. –Алма-аты, 1991.
- 6.Масанов.Н.Э, Ж.Б.Абилхожин, И.В.Ерофева, А.Н.Алексенко, Г.С.Баратова. История Казахстана народы и культуры, 2007.
- 7.Назаров.Ф. Записки некоторых народах и землях Средней части Азии. – Москва, 1968 .
8. Толстов.М.С. Основные проблемы этногенеза народов средней Азии. «СЭ» –Москва, 1948.

Интернет сайт.

<http://www.kazak.ru>